

О`ЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК: _____

РУХИТДИНОВ БАХТИЁР МАТХИТДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ
ДАРОМАД МАНБАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мутахассислик: 5A231301- «Пенсия иши»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

ф.проф., З.Каримова

ТОШКЕНТ - 2016

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
И БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ..	10
1.1. Давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишдаги давлат пенсия таъминотининг зарурлиги, моҳияти ва аҳамияти..	10
1.2. Ўзбекистон Республикаси давлат пенсия таъминоти тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	18
И боб бўйича хулоса.....	28
ИИ БОБ. ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	30
2.1. Пенсия жамғармаси даромадларининг амалдаги ҳолати, таркиби ва таҳлили.....	30
2.2. Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати ва унинг таҳлили.....	37
ИИ боб бўйича хулоса.....	44
ИИИ ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ДАРОМАДЛАРИ МАНБАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	45
3.1. Ўзбекистонда Пенсия жамғармаси даромадларини оширишдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари.....	45
3.2. Ўзбекистонда Пенсия жамғармаси даромадлари мустахкамлашда хорижий тажрибалардан фойдаланиш....	53
ИИИ боб бўйича хулоса.....	59
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	61
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	65
ИЛОВАЛАР.....	71

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, «Бизнинг ҳамма ишларимизда – бу иқтисодий сиёсатимизни шакллантириш масаласи ёки иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўладими, ижтимоий соҳа тизимида эртанги ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олиш бўладими – буларнинг барчасида биз учун фақат битта масала энг устун ва ҳал қилувчи ўринда туради. Бу ҳам бўлса, инсон манфаатларининг устуворлигидир. Халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини изчил ва босқичма-босқич юксалтириб бориш бўйича бизнинг асосий мақсадимиз ҳам ана шундан иборат»¹.

2016 йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи маблағ ажратилади. Жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимида 14 фоизи йўналтирилади. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди².

Ўзбекистон Республикасининг пенсия тизими суғурта асосида шакллантириладиган ва аҳолининг маълум бир эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилган Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдалананишга асосланади.

Ўтган йили 215 мингдан зиёд муҳтарам фахрийларимиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Эҳтиёжманд ногиронларга 11 мингдан ортиқ юқори сифатли протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари бепул топширилди. 70 мингга яқин кекса авлод вакиллари тўлиқ тиббий

¹ Каримов И. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. \\\ Халқ сўзи. 2008. феврал.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 15.01.2016

кўриқдан ўтказилди ва стационар ҳамда санаторий-курорт муассасаларида ўз соғлиғини тиклади. 100 ёшга тўлган нуронийларнинг пенсиясига энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида устамалар қўшиб берилди³.

Республикада аҳолининг ёш таркибида ёшлар катта салмоққа эга бўлишига қарамасдан кексаларнинг салмоғи барқарор даражада сақланиб қолмоқда. Мустақиллик йилларида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси тобора яхшиланиб, ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Ушбу ҳолатлар ўз навбатида, ижтимоий суғурта масалаларига нисбатан жиддий эътибор беришни тақозо этиб, жумладан, пенсия тизимига оид масалалар алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Юқоридаги сабабларга кўра, мамлакатимизда пенсия тизимига ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: «Юртимизда ўтган йиллар давомида... пенсияларнинг ҳарид қобиляти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир»⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарорида белгиланган комплекс чора-тадбирларида давлат пенсия тизими ва жамғариб бориладиган пенсия тизимини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда пенсия тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашуви, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайиши пенсия тизимини

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 15.01.2016

⁴ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Халқ сўзи. 20.01.2012.

молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия жамғармасининг даромад манбаларини кўпайтиришни ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишни такомиллаштириш, даромадларни шакллантириш манбааларини кўпайтириш бўйича чоралар кўриш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси фаолияти танланган.

Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш, даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш жараёнида содир бўладиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия таъминоти маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Муаллиф кўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга интилан:

- Иқтисодиётнинг модернизациялашуви шароитида давлат пенсия тизимининг зарурлиги ва аҳамиятини асослаш;
- Пенсия таъминоти маблағлари шаклланишининг илмий–назарий жиҳатларини тадқиқ этиш;
- Пенсия таъминоти тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини назарий жиҳатларини кўриб чиқиш амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Давлат пенсия таъминоти тизимининг харажатларини таҳлил қилиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Пенсия таъминоти маблағларидан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиш ва илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– Пенсия тизими даромадларидан фойдаланишнинг амалий ва назарий асосларини таҳлил қилиш, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш амалиётини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш асосида пенсия тизимини ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

– яқин истиқболда пенсия тизими молиялаштириш амалиётини тако-миллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги:

– пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлиги тушунчасига такомиллашган тавсиф берилган ва уни таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

– пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанат бузилишининг келиб чиқиш сабаблари аниқланган ва таснифланган;

– мамлакатимиз пенсия жамғармаси маблағларидан оқилона фойдаланиш асосида унинг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– мамлакатимизда амал қилаётган пенсия тизимидан жаҳон мамлакатлари пенсия тизими билан глобаллаштириш, яъни давлат пенсия жамғармасидан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ўтишни босқичма-босқич ўтишни ташкил қилишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

– давлат пенсия таъминоти тизими даромад ва харажатларининг прогнозларини аниқ шакллантиришнинг давлат ташкилотлари билан дастурий таъминотини боғлаш, амалиётга жорий этиш;

– даромадларини ошириш бўйича Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тартибга солиш, корхона ва ташкилотларда белгиланган иш нормалари бўйича ишчи ходимларни ташкил қилиш ва жамғариб

бориладиган пенсия тизимига ўтишнинг мажбурий тизимини ташкил қилиш ва амалиётга жорий қилиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотда пенсия тизими даромадлари таркибини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқишга ва уларнинг таркибини такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклифларни асослашга ҳаракат қилинади. Бунинг учун эса пенсия фонди даромадларини таркибий таҳлил қилиш ҳамда фойдаланилишининг таҳлилин кўриб чиқиш талаб этилади. Мазкур илмий тадқиқотда республикамиздаги Пенсия жамғармаси даромадларининг амалдаги ҳолати ва мавжуд муаммолар, хорижий давлатлар тажрибаларни ўрганиш, хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш ўз олдимизга мақсад қилиб олинди. Диссертация ишидаги Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлар таркибини такомиллаштиришга оид таклиф этилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар пенсия тизимидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши учун молиявий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар шарҳи (таҳлили). Ўзбекистон Республикаси пенсия тизими даромадларини ривожланишининг назарий-ҳуқуқий асослари, амалиёт таҳлили, жаҳон пенсия тизими даромадларини ривожланишининг назарий асослари, амал қилиш моделлари ва ислоҳ этиш йўналишлари хорижлик иқтисодчи олимлар – В.В.Антропов, Н.Барр, А.М.Бабиц, В.Н.Баскаков, А.Н.Больницкая, К.Г.Воблый, Е.В.Галкина, Е.В.Егоров, Е.Н.Жильцов, А.Н.Иванов, С.В.Кадомцева, Е.А.Карелов, Ф.М.Куршаева, П.К.Лаврентьева, В.И.Левашов, Е.Н.Лысенко, Е.Е.Мачульская, В.Д.Роик, Дж.Стиглиц, А.С.Соколов, А.Б.Соколова, А.А.Степанова, Р.Холцман, Д.Д. Хэмптон, Л.И.Якобсонлар томонидан таҳлил қилинган⁵.

⁵ Антропов В.В. Социальная защита в странах Европейского союза. История, организация, финансирование, проблемы / М., 2006. – 271 с.; Барр Н. Экономическая цена социальной политики. Актуальные проблемы Европы. Экономика, политика, идеология. Вып. 1. М., 1991. – 189 с.; Бабиц А.М., Больницкая А.Н. Институт пенсионирования в условиях трансформации российского общества /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. – СПб.: 2006. – 18 с.; Егоров Е.Н., Жильцов Е.Н. Экономика социального страхования / Курс лекций. М.: ТЕИС,1998. – 189 с.; Иванов А.Н. Пенсионное страхование как фактор трудовой мотивации /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. – М.: 2008. – 18 с.; Кадомцева С.В. Экономические основы системы социальной защиты. / М., 1997. – 248 с.; Лаврентьева П.К. Развитие пенсионной системы в России /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. – М.: 2004. – 19 с.

Ўзбекистонда эса, пенсия тизимининг даромадлари ҳолати, таркиби, ривожланиш тенденциялари, ислоҳ этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари А.В.Вахабов, Р.Т.Далимов, Н.М.Мажидов, Б.Х.Умурзоқов, Г.К.Саидова, М.А.Ҳакимова, Б.Ш.Хусанов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган⁶.

Юқорида амалга оширилган тадқиқот ишларининг барчаси пенсия тизими даромадларининг ислоҳ этишни концептуал, назарий жиҳатларини таҳлил этишга бағишланган бўлиб, пенсия жамғармаси маблағларини кўпайтиришга ва унинг маблағларидан самарали фойдаланишга, унинг ортқча ресурс маблағларидан тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш жиҳатларига етарли даражада эътибор берилмаган.

Иқтисодий эркинлаштириш босқичида мамлакатда пенсия тизимини даромадларининг институционал-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, пенсия жамғармаси даромадлари манбаини барқарорлаштириш, пенсия таъминоти тизими маблағларидан фойдаланишнинг йўналишлири ҳамда пенсия имтиёзларини қисқартириш, жамғариладиган пенсия тизимига ўтишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шундай бўлишига қарамасдан, иқтисодий модернизациялаш шароитида аҳоли турмуш даражасини изчиллик билан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш пенсия тизимини молиялаштириш ҳолатини баҳолаш, такомиллаштириш ва уни молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни комплекс таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

Ушбу муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги ва илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Ўзбекистон

⁶ Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Т.: «Шарқ», 2003. – 320 б.; Мажидов Н.М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини ислоҳ қилиш (пенсия тизими мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2003. – 23 б.; Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Монография. – Т.: «Фан», 2005. – 175 с.; Ҳакимова М.А. Реформирование и развитие социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку. Автореферат дисс. на соис. учен. степ. д.э. н. – Ташкент, 2000. – 38 с.; Хусанов Б.Ш. Проблемы регулирования финансового механизма социального обеспечения населения. Автореферат дисс. на соис. учен. степ. канд. экон. наук: – Ташкент, 2011. – 25 с.

Республикаси Кодекслари ва Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузалари, йетук иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Давлат Статистика кўмитасининг маълумотлари илмий изланишнинг назарий-услубий асосларини ташкил этади. Тадқиқот ишида таққослаш, гуруҳлаш, статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил, индукция, дедукция услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялардан яқин истиқболда мамлакатимизда пенсия тизимини ривожлантириш ва маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга, пенсия тизимида янги нодавлат пенсия тизимининг ривожланишига олиб келиши мумкин ҳамда қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш, пенсия жамғармасининг ўрта муддатли молиявий барқарор стратегик ривожланиш концепцияси ва мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртларида «Давлат мақсадли фондларини бошқариш» ва “Пенсия таъминоти хавфсизлиги ва назорати» фанларининг намунавий ва ишчи ўқув дастурларини тузиш ва талабаларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот иши таркибининг қисқача тавсифи. Магистрлик илмий тадқиқот иши кириш қисми, 3 та боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

И БОБ.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишдаги Давлат пенсия таъминотининг зарурлиги, моҳияти ва аҳамияти

Бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизда хизмати катта бўлган пенсионерлар ва қарияларнинг муносиб ҳаёт кечириши ва саломатлиги учун зарурий шароитлар яратиш вазифаси бизнинг диққат марказимизда бўлиши лозим.

Ижтимоий сиёсат жамият ҳаётининг муҳим соҳаси ва ҳар бир давлат фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт тамойилларига мос пенсия таъминоти эса унинг амалий воситаларидан биридир. Пенсия таъминотининг тўғри ташкил этилиши ҳам муайян гуруҳга мансуб кўплаб одамларнинг, ҳам аҳолининг даромади, меҳнати, турмуш сифати ҳамда даражасини кўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий сиёсат мақсадларига еришиш имконини беради. Бунда ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг стратегик мақсадлари ва самарадорлиги ўзифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганларидек “Аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини муттасил ошириш билан боғлиқ масалалар доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади”⁷. Ушбу масалалардан яна бир муҳим йўналиши бу давлат пенсия таъминоти ҳисобланади. Пенсионерлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароити ва ҳаёт сифатини яхшилаш ижтимоий йўналтирилган сиёсатни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тизимида муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз давлат пенсия таъминоти қариялар,

⁷ Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

ногиронлар ва боқувчисини йўқотган оилаларни қамраб олган кенг қўламли ижтимоий тизимдир.

Мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим роли ҳам шундаки бу сиёсат фуқароларнинг пенсия таъминотини доимо такомиллаштириб борилишини таминламоқда. Бу борада сўнгги йилларда қабул қилинган қонунчилик актлари, фармонлар ва қарорлар аҳолининг кекса ёшдаги фуқаролар ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган қатламларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг турмуш фаровонлигини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, пенсия жамғармалари жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий барқарорлик эса – жамият ва давлат ижтимоий муассасалари барқарор фаолият юритиши ва барча соҳаларда ривожланишини таъминловчи асосий ички омиллардан биридир.

“Пенсия” категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириш ва кексалик чоғида фонддан фойдаланиш шакл ва усуллари йиғиндисини ўз ичига олувчи иқтисодий муносабатлар тизимини акс еттиради.

Пенсия – белгиланган (пенсия) ёшига етганида, ногиронлик юз берганда, боқувчиси йўқотилганда, шунингдек белгили муддат хизмат қилгани учун ва давлат олдида алоҳида хизматлари учун фуқароларнинг давлат ёки собиқ ходимларнинг собиқ иш берувчилари томонидан мунтазам пул даромадлари билан таъминланиши.

Давлат пенсия таъминоти тизими – иқтисодий ислохотлар шароитида фуқароларни қарилик, касаллик, меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотиш, боқувчисини йўқотганлик, ишсизлик ҳолатларида моддий таъминланишларига бўлган конституцион ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминлаши лозим бўлган асосий ижтимоий ҳимоя институтларидан биридир.

Давлат ижтимоий таъминоти – Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кексайганда, касаллик рўй берганда, меҳнатга лаёқатини қисман ёки бутунлай йўқотганда, боқувчисини йўқотганда, шунингдек, болали оилаларни моддий таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш давлат тизимидир.

Ўзбекистонда пенсия таъминоти – бу мамлакатимизда фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган моддий таъминотни тақдим этиш мақсадида ташкил етилаётган ҳуқуқий-ташкилий институтлар ва нормалар мажмуидир. Шу боис пенсия таъминоти мамлакатимизда шаклланган ижтимоий муҳофаза тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли ва кам таъминланган фуқароларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, таркилий хусусиятга ега комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутди.

Иқтисодий ислохотлар шароитида давлат пенсия таъминотини ташкил этиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ижтимоий таъминотнинг мажбурийлиги ва ихтиёрийлигининг бирлиги;
- давлат, иш берувчи ва ёлланма ишловчиларнинг ижтимоий ҳамкорлиги;
- шахсий даромадлар ва меҳнат қилиш қобилиятини йўқотишни қоплаш;
- мақсадли бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш;
- таъминот фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш билан ўзини ўзи тартибга солишнинг бирлиги;
- ижтимоий таъминотнинг асосий субъектлари ҳисобланган таъминотловчилар ва таъминотланувчиларнинг ўзаро муносабати;
- иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолатлиликнинг мутаносиблиги;

- фуқароларни таъминотлашда ижтимоий бирдамлик ва индивидуал жавобгарлик.

Пенсия таъминотининг энг муҳим иқтисодий функцияси меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш учун зарурий шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Пенсия таъминоти – давлатнинг ижтимоий таъминот сиёсатининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий таъминот тизими жамиятда ижтимоий адолатлиликини таъминлаш, сиёсий барқарорликини вужудга келтириш ва таъминлаб туришнинг асосий шарт – шароитларидан биридир.

Ижтимоий таъминот ёрдамида жамият қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилади:

- меҳнат жараёнида иштирок етмайдиган, меҳнатга лаёқатсиз кишиларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни қопловчи пул жамғармаларини шакллантиради;

- меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришнинг зарурий миқдори ва структурасини таъминлайди;

- жамиятнинг ишловчи ва ишламайдиган аъзоларини моддий таъминлаш даражасидаги узилишни қисқартиради;

- аҳолининг меҳнат жараёнига жалб қилинмаган турли ижтимоий гуруҳларининг турмуш даражасини оширишга эришади;

- меҳнатда банд аҳолининг келажакларини моддий жиҳатдан таъминлаш имкониятини яратади.

- давлат ижтимоий ҳимоясининг мақсадга мувофиқлиги ва юқори даражасини таъминлайдиган ижтимоий таъминотнинг асосий турлари қуйидагилардир:

- пенсия таъминоти (қарилик бўйича, умумий касалланиш ва турмушда ва транспортда бахтсиз ҳодисалар натижасида ногиронлик бўйича);

- меҳнатга қобилиятини вақтинчалик ва доимий йўқотганликдан таъминотлашни назарда тутувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан

таъминотлаш (ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касбга оид касаллик ҳолатларида);

- ишсизлик ҳолатлари бўйича таъминот;

- тиббий таъминот (касаллик туфайли меҳнатга қобилиятини вақтинчалик йўқотганлик таъминоти ва тиббий ёрдам кўрсатиш).

Кам таъминланган оилалар, болаликдан ногиронларга нафақалар, оилаларга ёрдам каби ижтимоий ҳимоянинг шакллари меҳнат фаолияти билан боғлиқ эмас, ўз табиатига кўра таъминоти бўлмайди ва давлат ижтимоий ёрдам тизими ва бошқа давлат ижтимоий дастурлари орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эгадир. Пенсия қонунчилигига мувофиқ, пенсия – шахсларга пенсия ёшига етиши, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови бўлиб, уни олиш ҳуқуқи қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг мавжуд барқарор механизми жамиятнинг ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кекса-қариялар, ногиронлар, вақтинча ишсизлар ва шунга ўхшаш ёрдамга эҳтиёжманд аҳоли вакилларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан изоҳланади. Кўриниб турибдики, мамлакатдаги ижтимоий ислохотлар асосини ташкил қилувчи аҳолининг муайян қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимига ўтилиши иқтисодий тараққиётнинг стратегик мақсадларига мос келади.

Бугунги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини амалга ошириш, ҳудудларда кам таъминланганликнинг салбий оқибатларини юмшатиш, ижтимоий тенгсизликни камайтириш ҳамда ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатининг ўсишини таъминлашга йўналтирилган аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатувчи

ташкilotлар фаолиятининг ролини кучайтириш бўйича тегишли хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий ҳимоя соҳасини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиш 2011 йилда умумий бюджет харажатларининг 9,6 фоизини, 2012-2013 йилларда 8,6 фоизни, 2014 йилда 9,6 фоизни ташкил этган бўлиб, 2015 йилда 9,7 фоизга режалаштирилган. Ижтимоий ҳимояга сарфланаётган маблағлар ҳажми йилига ўртача 28 фоизга ўсаётганини кўришимиз мумкин. Бюджетдан ижтимоий ҳимоя соҳасига ажратиладиган маблағларнинг салмоқли қисмини, қарийб 40 фоизини Оила ва болаларни молиялаштиришга сарфланади.

Шу билан бирга, 2015 йилги Давлат бюджетининг кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари ЯИМга нисбатан 1,3 фоизни ташкил этиши режалаштирилган. Давлат бюджетининг ижтимоий таъминотга ажратилган харажатлари жорий йилга нисбатан 1,38 баравардан зиёд оширилиши режалаштирилган, бу эса аҳоли фаровонлигини изчил тарзда яхшилаш имкониятини яратади

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳам мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, давлат ва фуқаролар ўртасида янги муносабатлар ўрнатиш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олиш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга. Юртимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ижтимоий ҳимояни кафолатлаш бўйича ўзига хос механизм яратилди. Бу — ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосан, иш ҳақи, стипендия, ногиронларга бериладиган нафақа, меҳнатга лаёқатиз фуқароларга бериладиган нафақа, оилага бериладиган нафақалар, моддий ёрдам, пенсиянинг барча турларини

ошириш, уларни амалдаги қонунчиликка асосланиб қайта ҳисоблаш кўзда тутилади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириши босқичида ва ислохотларнинг чуқурлашуви шароитида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни талаб этди. Жаҳон тажрибасининг кўрсацҳича, давлатнинг мақсадли жамғармалари тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Жамиятнинг ҳар бир аъзосининг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бозор иқтисодиётини ривожлантириш давлат молия, бюджет сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Чунки ҳар бир инсоннинг ёки бирор ижтимоий гуруҳнинг, қолаверса, миллатнинг ижтимоий манфаатлари доимо унинг ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи жамият тизимининг муносабатларида ва Давлат бюджети харажатларида намоён бўлади.

2014-йилда ижтимоий соҳада ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди. Бу соҳанинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва ривожлантиришга давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 22,5 фоиз кўп демакдир.

Жорий йилда кекса авлод вакиллариغا еътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашни кучайтиришга, муҳтарам фахрийларимиз ҳаётига дахлдор муаммоларни ҳал этишга алаҳида аҳамият қаратилади.

2015 йилда мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили”, деб ном берганимиз замирида ҳам моҳият эътибори билан ана шундай эзгу мақсадлар мужассам экани, ўйлайманки, барчамизга яхши маълум.

Ҳукуматимиз тайёрлаётган дастурда кекса авлод вакиллари, аввало, 1941-1945-йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий ва ижтимоий хизмат даражаси ва сифатини ошириш, муҳтожларни ёрдамчи ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш, туманлар ва маҳаллаларда қарияларимиз учун мулоқат марказлари, уларнинг қизиқишларидан келиб

чиққан ҳолда, турли клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари чун шароитлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

Пенсия таъминоти тизимини доимий ислоҳ қилишнинг асосий сабаби, Давлатнинг фуқароларни пенсия таъминотига оид мажбуриятарини бажариши учун молиявий ресурсларнинг етарли даражада етишмаслиги. Ҳозирги кунда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг муҳимлиги фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига бевосита боғлиқлиги билан белгиланади. Республикамизда пенсия тизими борасидаги муаммолар ва ислоҳ етишнинг объектив зарурияти бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тараққий этиши жаҳон тажрибасини чуқур таҳлил етишни, мамлакатда демографик вазиятнинг ўзгариб бориши эса мавжуд пенсия таъминотининг янги замонавий бозор моделини яратишни ва уни амалиётга татдиқ етишни шарт қилиб қўймоқда.

Республикамизда пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, давлат ижтимоий таъминоти бўйича мажбурий бадаллар тўлиқ йиғилишини кўпайтириш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўплашга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 444-сонли «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга мувофиқ, 2001 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди. бюджетдан ташқари пенсия жамғарманинг даромадлари ва харажатлари ҳар йили жамланган бюджетнинг таркибига киритилди. 2014 йилдан амалга киритилган “Бюджет кодекси”нинг 36-моддасида кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия

жамғармаси жамланма бюджет таркибидаги давлат мақсадли жамғармаси эканлиги эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилиб, ушбу меъёрий ҳужжатга асосан, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг вақтинча бўш ресурсларини Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги муддатли депозитларга ҳамда қисқа муддатли давлат облигацияларига жойлаштиришга рухсат берилади.

Иқтисодий эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шакллارни қўллашни талаб этади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, пенсия тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва кишиларни кексаликда камбағалликдан ҳимоялашда муҳим ўрин егаллайди.

Пенсия тизими суғурта асосида шакллантириладиган ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш учун йўналтириладиган пул маблағлари жамғармасидан фойдаланишга асосланади. Пенсия тизимига хизмат қилувчи пенсия жамғармалари учун даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги, маблағларнинг қатъий мақсадли ишлатилиши, маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиш муддатларининг мос келмаслиги, каби хусусиятлар хосдир.

1.2. Ўзбекистон Республикаси давлат пенсия таъминоти тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган ҳуқуқий ислохотларнинг мақсадларидан бири – инсон манфаатларини оилӣ қадрият сифатида ҳар томонлама таъминлаш ва муҳофаза этишдан иборат.

Республикамизда пенсия тизининг ҳуқуқий асослари шаклланган бўлиб такомиллаштириб борилмоқда. Пенсия тизимини бошқарувчи асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 мартдаги 938-ХИИ сон “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сонли қарори билан тасдиқланган).

- Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 252-сон қарори билан тасдиқланган);

- Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган амалдаги иш ҳақини иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 252-сон қарори билан тасдиқланган);

- Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 14 октябрдаги 63-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 17 ноябрда 2282-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4161 сон Фармониға мувофиқ, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш,

уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга ошириши йўлга қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига қўшимча вазифалар юкланди. Янги тузилма фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдорини қайта ҳисоблаб чиқилиши таъминланди. Меҳнат майиблиги ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларга доир муносабатларни амалга оширади. Пенсия таъминоти тизимига киритилган бундай янгилик фуқароларни ижтимоий муҳофазалаш самарадорлигини ошириш, тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этиш имконини берди.

Пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асосларини ташкил қиладиган асосий ҳужжатлар қўидаги жадвалда кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат ижтимоий таъминот тизимини принципларини белгиловчи бош қонун ҳужжатиدير. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар деб номланган бўлиб, унинг 39-моддасида: “ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсия, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқатурлари расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорлардан оз бўлиши мумкин эмас”лиги Қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000-йил 15-ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 444-сонли Қарорига асосан фондга ундириладиган мажбурий тўлов ва бадаллар солиқларга тенглаштирилди.

1.1-жадвал

Пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил қилувчи асосий ҳужжатлар⁸

Т/р.	Ҳужжат номи
1	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2	Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни (1993 йил 3 сентябр №938-ХИИ), бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар билан
3	Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш тартиби ҳақида”ги Қарори (1993 йил 3 сентябр 939-ХИИ)
4	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (1994 йил 10 январ 6-сонли)
5	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (1994 йил 11 май 249-сонли)
6	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори (2004 йил 21 октябр 490-сонли)
7	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (2009 йил 30 декабр, ПФ-4161-сонли)
8	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2009 йил 30 декабр, ПҚ-1252-сонли)
9	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (2010 йил 19 феврал, 30-сонли)
10	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон Фармони Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (<i>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами</i> , 2015 й., 16-сон, 195-модда)
11	Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси”. 2013 йил 26 декабр. ЎРҚ-360-сон.
12	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сон Қарори.
13	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига боғишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2015 йил 17 январ. №11(6194).

Мамлакатда ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим бўлган қонунчилик базасини такомиллаштириб бориш керак бўлади. Ўзбекистонда пенсия ислоҳоти тизимни босқичма-босқич ривожлантиришнинг муайян

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

муддатли режаларидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим бўлади. Давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришнинг меёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш зарур.

Сўнгги вақтларда давлат пенсия тизимининг амалий механизминини ташкил этиш ва янада такомиллаштириш мақсадида қатор янги меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, пенсия қонунчилигига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Пенсия таъминоти билан боғлиқ қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш, уни ривожлантиришнинг янги босқичига олиб чиқиш зарурати бир қатор юқорида келтирилган омиллар билан белгиланади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунининг моҳияти - пенсионерларнинг жамиятда тутган ўрни, уларни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқий ҳимоялаш, пенсия миқдорини бевосита меҳнат стажининг давомийлиги ва иш ҳақи миқдorigа боғлиқлигини таъминлаш ташкил этади.

Мазкур қонуннинг негизи ва унинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари пенсия тизимларидан асосий фарқи, пенсияни ҳисоблаш схемасидир. Ушбу схема бўйича барча турдаги “пенсиялар уч қисмдан иборат бўлди”:

Биринчи қисм кафолатланган бўлиб, пенсиянинг таянч миқдорини ташкил этади. Бу қисм Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг талабидан келиб чиққан бўлиб, пенсиянинг энг кам миқдори, зарур иш стажига эга бўлмаса давлат томонидан белгиланади, яъни “пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас”.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда пенсияларнинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақига нисбатан 37,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Россияда 25,7 фоиздан, Марказий Осиё мамлакатларида эса 23-28 фоиздан иборатдир.

Иккинчи қисм пенсия тайинлаш учун талаб этилган стаждан ортиқ бўлган ҳар бир тўлиқ йил учун пенсия миқдорини оширишдир. Бу қисмнинг

зарурлиги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ҳар бир шахснинг меҳнат стажи давомийлигини инобатга олиш имконини беради.

Учинчи қисм пенсияга қўшиладиган устама бўлиб, жамият олдида хизмат кўрсатган ёки соғлиғи туфайли қўшимча ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларга берилади.

Шунингдек, 2012 йил 6 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчаларда ижтимоий мўлжалнинг универсаллиги тамойилларини босқичма-босқич амалга ошириш, фуқаролар пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўтган йиллардаги иш ҳақиларини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб бериладиган тартибга асосан қайта ҳисоблашнинг амалга оширилиши назарда тутилган.

Пенсия таъминоти қонунчилигига киритилган мазкур ўзгартишлар фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти масалаларини ҳамда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, илғор хорижий тажриба ва бозор иқтисодиёти тамойилларига мослигини таъминлаш, пировардида пенсия таъминотида ижтимоий адолат принципларини кучайтириш, юқори иш ҳақи олиб ишлаган фуқароларга мутаносиб миқдорда пенсиялар тайинлаш имкониятларини яратиш ва пенсиялар миқдорини устувор тарзда оширишга хизмат қилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосан, иш ҳақи, стипендия, ногиронларга бериладиган нафақа, меҳнатга лаёқатиз фуқароларга бериладиган нафақа, оилага бериладиган нафақалар, моддий ёрдам, пенсиянинг барча турларини ошириш, уларни амалдаги қонунчиликка асосланиб қайта ҳисоблаш кўзда тутилади.

Масалан, пенсия қонунчилигини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ҳамда тўлаш масалаларини тартибга солувчи қатор

қарорлари, шунингдек, фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрда қабул қилинган қарорига биноан “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” ва “Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган амалдаги иш ҳақини иш ҳақининг индивидуал тартибдаги коэффицентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида”ги низомлар тасдиқланди. Айни вақтда қонунчиликка асосан ўрнатилган тартибга биноан “Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида” ва “Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек, харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланиши ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низомлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Қонунчиликка 2010 йилнинг май ойида киритилган ўзгартишлар ҳам аҳолини аниқ манзилли ҳимоя қилишнинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Унга кўра, хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналарига ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева ерларига) ҳар ой устама ҳақ тўланади.

“Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди ва ушбу қонун асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 июндаги қарори билан “Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом” тасдиқланди. Мисол учун, “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги қонун қабул қилингунига қадар дафн этиш учун нафақа Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан фақат пенсионерларнинг қариндошларига икки ойлик пенсия миқдорида, аммо энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўланган бўлса, қонун қабул қилингач, бу нафақа барча тоифадаги фуқароларга энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўланмоқда. Шу билан бирга, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари хизматлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг

2010 йил 23 декабрдаги қарори билан “Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги низом (янги таҳрирда)”, шунингдек, “Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурининг янги шакли”; 2011 йил 7 апрелдаги қарорига мувофиқ “Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”, “Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомлар, 2011 йил 1 июлдаги қарори билан “Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”, “Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнатга лаёқати йўқотилиши даражасини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги низомлар, шунингдек, ногиронликка олиб келадиган асосий касалликлар ва ушбу касалликларда ногиронликни белгилаш мезонлари рўйхати тасдиқланди.

2012 йил 5 январдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонунни қабул қилинди. Пенсия таъминотининг кенг қамровлилиги ва ижтимоий йўналтирилганлиги тамойилларининг изчил амалга оширилаётгани “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларда ҳам ўз ифодасини топди. Улар ўтган йиллардаги иш ҳақларини ҳозирги кундаги иш ҳақи даражасига келтириш механизмининг мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, қонун пенсиялар миқдорини белгилашда фуқароларимизнинг бошқа давлатлар ҳудудида олган иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш масалаларини ҳам тартибга солади. Яъни, аввал чет элда ишлашга юборилган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқишда улар чет элга юборилишидан олдин олган иш ҳақи ҳисобга олинган бўлса, қонунга ўзгартишлар киритилиши муносабати билан чет элда ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсияси учун олинадиган иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари

Пенсия жамғармасыга тўланган суғурта бадалларининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Пенсия ва нафақаларни тайинлашда юзага келаётган айрим муаммолар, уларни бартараф этиш чораларига эътибор қаратишди. Маълум бўлишича, пенсия миқдорини белгилашда муайян ҳолларда меъёрий талаблар бузилмоқда. Бунга қишлоқ хўжалиги тизимидаги корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари пенсия тайинлаш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини талаб даражасида қўлламаётгани, шу билан бирга, уларни архив идораларига тўлиқ топширмаётгани асосий сабаб бўлмоқда. Шу каби камчиликларнинг олдини олиш, пенсия ёки нафақа тайинланишини сўраб мурожаат қилган фуқароларга пишиқ-пухта хизмат кўрсатиш учун тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш лозим.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини ва унинг ҳуқуқий асосларини яратилиши ҳукуматимизнинг доимо диққат еътиборида бўлди. Бунинг натижасида республикамызда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий бўғини бўлган мукамал пенсия таъминоти тизими яратилди ва ҳозирги кунда ҳам уни такомиллаштириш юзасидан узлуксиз ишлар олиб борилмоқда.

Давлатимизнинг бош мақсади ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимояга оид қонунчиликни замон ўзгаришларига мослаштириш, уларни халқаро стандарт ва қоидаларга янада мувофиқ бўлишига еришиш, фуқароларимизнинг ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя олиш соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла қафолатлаш ва амалга оширилиши учун реал ҳуқуқий шароит яратишдан иборатдир.

Пенсия таъминоти соҳасидаги қонунчилик тизими ислоҳ этилар экан, фуқароларни пенсиялар билан таъминланишида уларнинг жамият бойликлари кўпайишига қўшган шахсий ҳиссасини ҳисобга олиш, меҳнат стажи миқдори ва сифати, меҳнат шароитларининг зарарли ва ноқулайлиги тўлиқ ҳисобга олинishi, шу билан бирга техника ва технологиялардан юз берган туб ўзгаришлар туфайли зарарсиз ҳамда меҳнат шароитлари қулай ва

хавфсиз бўлиб қолган жойларда меҳнат қилаётган шахсларнинг эски норма ва қоидаларга кўра асоссиз пенсия имтиёзлари олишларига йўл қўйилмаслиги зарур бўлиб, бу ижтимоий адолатни таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқий ислохотлар ва қонунчилик тизимини такомиллаштириш мақсадида талайгина ишлар амалга оширилмоғи лозим, бунда:

- пенсия таъминот соҳасида амалда бўлган қонунчилик ҳужжатлари батафсил ўрганилиши – тафтиш қилиниши, уларнинг тугал рўйхати тузилиши, эскирганларини бекор қилиш, тегишли ўзгаришлар киритилиши керак;

- фуқароларни пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчилик нормалари қайта кўриб чиқирилиши, бунда тадбиркорлик субъекти бўлган иш берувчиларнинг манфаатлари, бугунги кунда бу соҳада нодавлат мулкчилиги устувор эканлиги эътиборга олинлиши, шунга кўра фуқароларни ижтимоий таъминлашнинг нодавлат пенсия таъминоти шаклларида кенг фойдаланиш назарда тутилиши лозим.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат: пенсия таъминотини бозор муносабатлари талабларига янада мослаштириш; пенсияларни молиялаштиришдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш; пенсия таъминоти харажатларини камайтириш, уларнинг мақсадли сарфланиши ва пенсия тўловларини устидан назоратни кучайтириш; пенсия таъминотини замонавий техник усуллар орқали бошқариш; давлат тасарруфида бўлмаган ҳусусий пенсия таъминоти тизимини яратиш.

Ушбу мақсадларни амалга оширишда пенсия таъминотини бозор муносабатларига мослаштириш ва меҳнат стажи давомийлигининг аҳамиятини янада ошириш муаммолари алоҳида аҳамият касб этади. Пенсия тайинлашда фақатгина суғурта бадаллари тўлаган даврларни инобатга олиш зарур. Буларни ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим: фуқаро

ишламаган, лекин ҳозирги кунда стажга қўшиладиган даврларни аста - секин камайтириш ва кейинчалик умуман бекор қилиш; имтиёзли тарзда стажга қўшиладиган даврларни бекор қилиш; пенсиялар тайинлашда иш ҳақи чекловларини қайта кўриб чиқиш; пенсиялар миқдорини бевосита фуқаронинг бутун меҳнат фаолияти давомида тўлаган суғурта бадаллари миқдорига бевосита боғлаш фуқаро ишламаган даври стажга қўшиш ёки стажни имтиёзли тарзда ҳисоблашга эҳтиёж қолдирмайди.

Фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини тўғрисида”ги қонунга киритилган ва 2012-йилнинг 6-январидан кучга кирган ўзгартиришлар пенсия таъминоти ва унинг ижтимоий йўналтирилгани тамойилини изчил амалга оширишда ўз ифодасини топмоқда, бу ўзгартиришлар натижасида ўтган даврлардаги иш ҳақини ҳозирги иш ҳақи даражасидан келиб чиқиб индексация қилиш механизми такомиллаштирилди.

И боб бўйича хулоса

Тадқиқотлар натижасида биринчи боб юзсидан қуйидаги хулосалар тайёрланди:

1. “Пенсия” категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириш ва кексалик чоғида фонддан фойдаланиш шакл ва усуллари йиғиндисини ўз ичига олувчи иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради. Пенсия – белгиланган(пенсия) ёшига етганида, ногиронлик юз берганда, боқувчиси йўқотилганда, шунингдек белгили муддат хизмат қилгани учун ва давлат олдида алоҳида хизматлари учун фуқароларнинг давлат ёки собиқ ходимларнинг собиқ иш берувчилари томонидан мунтазам пул даромадлари билан таъминланиши.

2. Давлатнинг пенсия таъминоти тизими – давлатнинг аҳолига нормал ҳаёт фаолияти учун яратадиган шарт-шароитларини таъминлайдиган бевосита мақсадли кафолатлар тизимидир .

3. Мамлакатимизда пенсия таъминоти тизими хусусий пенсия таъминоти тизимига илк қадам ташлаган. 2005 йилдан ДТ Халқ банкнинг

филиалларида Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими фаолият юритмокда. Бу тизимда иштирок этувчилар ортиб бормокда.

4. Жамият ривожланиши билан ижтимоий суғуртанинг ўрни ва роли ошиб бориб, бунга аҳолининг мажбурий ижтимоий суғуртланганлик даражасининг ошиши, ижтимоий суғурта дастурларининг кенгайиши, тўланадиган пенсиялар, нафақалар ҳажмини ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ўсиши, уларни молиялаштириш механизми ва аҳоли реал даромадларининг ошиши сабаб бўлади.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни ва ҳукумат томонидан қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар амал қилаётган пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Бу қонуннинг моҳиятини пенсионерларнинг жамиятда тутган ўрни ва иш ҳақи миқдорига боғлиқлигини таъминлаш ташкил этади.

6. Пенсия жамғармасининг даромад манбаларини ундириш аниқ тартибда амалга оширилади. Пенсия таъминоти тизими харажатлари белгиланган меъёрий-ҳуқуқий асослари орқали аниқ қилиб белгиланган.

7. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг маблағлари фуқароларнинг иш ҳақисидан ушланмаслигидир. Жамғарманинг даромадлари иш ҳақидан тўланадиган даромад солиғидан ушланганлиги фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бир туридир.

– Пенсия жамғармаси учун қуйидаги белгилар хосдир: бюджетдан ташқари жамғармалиги; пенсия таркибининг аниқ белгиланганлиги; даромад манбалари аниқ белгиланганлиги; маблағларнинг олдиндан белгиланган тартибга мувофиқ қатъий мақсадли ва манзилли ишлатилиши;

– маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш муддатларининг бир-бирига ўзаро мувофиқ келмаслиги;

– мустақил молия-кредит ташкилоти эканлиги.

ИИ БОБ. ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Пенсия жамғармаси даромадларининг амалдаги ҳолати, таркиби ва таҳлили

Давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, пенсионерларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва ижтимоий адолатли тамойилларини мустаҳкамлаш мақсадида, 1993 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, мамлакатимизда истиқомат қилувчи пенсионер ва ногиронларнинг турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини оширишга, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган.

Жумладан, 2011 йил 1 январдан тегишли ўзгартиришлар киритилиб, ўз аҳамиятини йўқотган айрим имтиёзлар ва меҳнат фаолиятининг алоҳида даврларини иш стажига ҳисоблаш механизмлари такомиллаштирилди ҳамда эндиликда ёшга доир пенсияларни тайинлашда меҳнат стажининг қуйи чегараси белгиланди. Шунингдек, 2012 йил 6 январдан кучга кирган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчаларда ижтимоий мўлжалнинг универсаллиги тамойилларини босқичма-босқич амалга ошириш, фуқароларнинг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўтган йиллардаги иш ҳақларини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб бериладиган тартибга асосан қайта ҳисоблашнинг амалга оширилиши назарда тутилган.

Пенсионер ва ногиронларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзи сифатини янада ошириш ҳамда ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш, давлат пенсия тизимини 2011-2016 йилларда баарқарор ривожлантириш,

мақбул ижтимоий муҳитни шакллантириш йўли билан фуқароларни кафолатланган давлат пенсиялари билан таъминлаш ҳамда бу борада жойлардаги шарт-шароитларни яхшилаш юзасидан Комплекс чора тадбирлар ишлаб чиқилди ва мазкур дастур ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланди.

2.1 -жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари таркиби ва тузилиши⁹ (фоизда, %)

Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил	
	суммаси	улуши	суммаси	улуши	суммаси	улуши	суммаси	улуши
Даромадлар	8065,4	100,0	10302,1	100,0	13013,7	100,0	16557,0	100,0
Йил бошига қолдиқ	280,1	3,5	602,2	8,8	1067,3	8,2	2592,0	15,7
Иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловдан тушумлар	4799,2	59,5	5907,4	51,7	7299,5	56,1	8324,2	50,3
Фуқароларнинг мажбурий бадаллари	1110,2	13,8	1482,7	14,4	1877,2	14,4	2463,8	14,9
Маҳсулот сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар	1401,5	17,4	1591,3	15,4	1933,0	14,9	2063,8	12,5
Бошқа даромадлар	474,4	5,8	718,5	9,7	836,7	6,4	1113,1	6,7

Жадвал маълумотларидан кўринадики Пенсия жамғармасининг даромадлари шакллантиришда муҳим ўрни юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар эгалайди. Ягона ижтимоий тўлов 2012-2015 йилларда 25% ташкил қилган, ундан 24,8% Пенсия жамғармасига, 0,1% Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасига, 0,1% Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши йўналтириланади. 2012-2014 йилларда жами даромадларда ягона ижтимоий тўловдан тушумлар 60% ташкил қилади, 2015 йилга 59,6% мўлжалланган. Бу жамғарманинг асосий манбаси ҳисобланади. 2015 йилга кичик бизнес ва тадбиркорилика ягона ижтимоий тўлов 15% белгиланди, ундан 14,8% Пенсия жамғармасига, 0,1% Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат

⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари.

жамғармасига, 0,1% Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши йўналтириланади. 2004-2005 йиларда ягона ижтимоий тўлов ставкалари 33%, 31% ташкил қилган.

Иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловдан тушумлар 2012 йилда Пенсия жамғармани 59.6% ташкил қилган, 2013 йилда 51.7%, 2014 йилда 56.15, 2015 йилда 50.3% мулжалланмоқда. Иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловдан тушумлар абсолют ҳам нисбий кўрсаткичлари миқдорлари ўсиб бормоқда лекин 2015 йилда нисбий курсаткичлари пасайиб бормоқда. 2012-2015 йиларда даромадларини ўсиш даражаси 173.4% ташкил қилган.

Шу билан бирга йил бошига қолдиқ 2015 йилда 2014 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ошиб бормоқда. 2014 йилда 1067,3 млрд сўм ташкил қилган бўлсада 2015 йилда 2592,0 млрд сўм. 2015 йилда шу даромад 15.7% режаланмоқда. 2012-2014 йиларда жамғармани таркибида 3.5%; 8.8%; 8.2% улуши ташкил қилган.

Микроресурслар корхоналар, ташкилотлар фаолиятига хизмат қилса, макроресурслар умумиқтисодий, умумдават эҳтиёжларига йўналтирилади. Бозор иқтисодиёти тизимида микроресурслар бирламчи бўлиб, улар устуворликка эга. Иқтисодий эркинлик шароитида хўжаликнинг дастлабки бўғини - корхоналар, фирмалар, компанияларва бошқа юридик шахслар корхоналар молиясининг иқтисодий таянчи ҳисобланади. Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилар ҳисобланади¹⁰:

- юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари;
- Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;
- жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи ва ишловчи

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. -Т.: Адолат. 2013. 305-модда.Солиқ тўловчилар.

фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловчилардир.

2.2-жадвал

2009-2016 йилларда ижтимоий тўлов ставкаларининг ўзгариши динамикаси¹¹¹² (фоизда, %)

Тўлов номи	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Ягона ижтимоий тўлов	24	25	25	25	25	25	25	25
<i>Шу жумладан Пенсия жамғармасига ажратма</i>	23,6	24,8	24,8	24,8	24,8	24,8	24,8	24,8

Пенсия жамғармаси фаолиятини самарадорлигини ошириш учун унга бириктирилган даромад турларини кўпайтириш ва ўз вақтида шакллантирилиши пенсионер ва ногиронларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзи сифатини оширишга, пенсия жамғармаси вазифасини ўз вақтида бажаришга ва пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлашга муҳим омил бўлиб ҳисобланади.


Шу сабабли, пенсия тизими фаолиятини такомиллаштириш учун унинг даромад манбаларини кўпайтириш ҳамда харажат йўналишлари аниқ ва равшан йўналтирилган бўлиши керак.

Пенсия жамғармасининг даромадларини шакллантириш назарий ва ташкилий –ҳукукий асослари ўрганилган. Бюджет Кодексга мувофиқ Пенсия жамғармасини даромад базаси кўйидаги манбаларидан шакллантирилади:

- ягона ижтимоий тўловнинг белгиланган миқдордаги тушумлари;
- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- товар (иш ва хизмат)лар сотиш хажмидан мажбурий ажратмалар;
- бошқа даромадлар

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

2009 йилдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлар ва харажатлар бўйича ғазначилик ижроси механизмига ўтказилди



2.1- расм. Суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўлов турлари¹³

Пенсия жамғармасини даромадларини шакллантиришда фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари эғалийди. Суғурта бадалларини ҳисоблаш ижтимоий суғурта жорий қилинган ишловчиларнинг барча категорияларини иш ҳақи фондига нисбатан белгиланган тарифлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Суғурта бадаллари солиқларни ушлашни ҳисобга олмаган ҳолда молиялаштириш манбаларидан қатъий назар амалдаги қонунчиликка мувофиқ чиқарилган низомлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган ҳақларнинг барча турларига ҳисобланади.

Барча ишлаётган ишчилар, фуқаролар, иш ҳақининг қонун билан белгиланган миқдорида Ўзбекистон Республикаси пенсия фондига суғурта бадалларини тўлашади. Бу бадаллар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи билан биргаликда тўланади. Иш берувчилар суғурта бадалларини,

¹³ Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

юқорида айтиб ўтилганидек ойига бир марта тўланади. Шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан суғурта бадаллари улар даромад солиғини тўлаётганда ушлаб қолинади. Дехқон ва фермер хўжаликлари йилига бир маротаба, 1 апрелдан кеч бўлмаган муддатда келгуси йил учун тўлайдилар. Ёлланма ишчилардан фойдаланувчилар ҳар ойда кейинги ойнинг 5-кунигача қўллашлари керак.

2.3 -жадвал

2013 – 2016 йилларда суғурта бадалларини ставкаларининг ўзгариши динамикаси¹⁴

Тўлов номи	2013й	2014й	2015й	2016 й
Суғурта бадалли	6%	6.5%	7%	7,5%

Жадвалдан кўриниб тўрибдики ставкалар 2013-2016 йилларда 0.5% ошиб боришти. 2004-2008 йилларда суғурта бадалли ставкалари 2.5% белгиланган. 2009-2010 йилларда 3.5%; 4%. 2011 йилда 4.5%. 2012 йил учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тушумларни кўпайтириш чоралари фақатгина ишловчиларнинг суғурта бадаллари ставкасини оширишга қаратилган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2012 йил учун қабул қилинган Давлат бюджети параметрларига мувофиқ, ишловчиларнинг мажбурий суғурта бадаллари ставкасини 4,5 фоиздан 5,5 фоизгача кўтариш кўзда тутилган. 2013-2015 йилларда 6%; 6.5%; 7% белгиланган.

Иш ҳақидан фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари жамғармани даромадларини 1/10 қисмини ташкил қилади. 2012-2014 йилларда суғурта бадаллари бўйича тушумлар жами даромадларда 13.8%; 14.4%; 14,4% улуши ташкил этди. 2015 йилда бу кўрсаткич 14.9% мулжалланган. Бу жамғармани манбаси бўйича динамикада ҳам абсолют ҳам нисбий кўрсаткичлар ўсиб бормоқда.

¹⁴ Магистрант томонидан интернет маълумотлари асосида тайёрланди. www.pfru.uz

Товар (иш ва хизмат)лар сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар
Пенсия

жамғармани даромадларида муҳим аҳамиятига эга. Мажбурий ажратмалар 2012 йилда даромадларни 1/5 (17.4%) қисмини ташкил қилган, 2013 йилда 15.4%, 2014 йилда 14,9%, 2015 йилда 12.5% мулжалланган. Шу даромад манбаси бўйича абсолют кўрсаткичлар ўсиб бормокда, нисбий кўрсаткичлар 2014-2015 йиларда пасайиб бормокда.

2.4-жадвал

2009 – 2016 йилларда мажбурий суғурта бадаллари ставкаларининг ўзгариши динамикаси¹⁵ (фоизларда, %)

Тўлов номи	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Товарлар реализацияси ҳажмидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма	1,0	1,5	1,5	1,6	1,6	1,6	1,6	1,6

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармани мажбурий ажратмаларнинг ставкаси белгиланган тортиш объектига нисбатан 2006-2007 йилларда 0,7%, 2008-2009 йилларда 1,0% ва 2010-2011 йилларда еса 1,5% даражасида ўрнатилган. 2012-2016 йилларда 1.6% ташкил қилади

Жамғармани бошқа даромадлари жами даромадларида ўртача 7% ташкил килади. Бошқа даромадларига кўйидагилар киради: тайинланган меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлганларга пенсиялар тўлаш харажатларини қоплаш учун регрессив талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағларнинг 85 фоизи; муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари; ҳисобланган жарималар суммасининг бир қисми ҳамда мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пенялар; қонун ҳужжатларида

¹⁵ Магистрант томонидан интернет маълумотлари асосида тайёрланди. www.pfru.uz

тақиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан Давлат бюджети маблағлари ва ихтиёрий бадаллар ва бошқалар.

2.2. Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати ва унинг таҳлили

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб, иқтисодиёт барқарор суръатларда ривожланиб борган сари аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимида манзилли аҳолини ҳимоя қилиш тизимига ва аҳолининг фақат ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб–қувватлаш механизми яратилишига босқичма-босқич ўтила бошланди. Бу тизимга бюджет маблағлари ҳисобидан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларига нафақа тўлаш, пенсия тўлаш учун сарфлаш, аҳолининг муайян ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифасига бепул ижтимоий хизмат кўрсатишни таъминлаш, қатор ижтимоий хизматларни минимал даражада истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш кабилар киради

Маълумки, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижтимоий жамғармаларнинг таркибида энг мўҳим аҳамиятига эга. Ўзбек олимлари Т.С.Маликов ва Н.Х.Ҳайдаровлар илмий ишларида “Умумдавлат молияси таркибидаги бўғинлар ичида давлат бюджетидан кейин ҳажми ва истеъмолчиларни қамраб олиш кўлами ҳамда ижтимоий аҳамияти бўйича иккинчи ўринда турадиган марказлашган жамғармалардан бири бу бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобланади”¹⁶ деб ёритилган

Пенсия жамғармаларининг ижтимоий моҳияти шундан иборатки, мазкур жамғармалар ёрдамида фуқароларнинг ёши ўтиб кексайган чоғида ёки ногиронлик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотганда, шунингдек, боқувчисини йўқотган ҳолларда, давлат томонидан кафолатланган ижтимоий таъминот олишни рўёбга чиқариш воситасидир¹⁷.

¹⁶ Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров. Молия: умумдавлат молияси Т. Иқтисод-Молия. 2008 йил. 289-б

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 2013 йил. 39-модда

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари қуйидаги асосий мақсадларга сарфланади:

1) ишламайдиган пенсионерларга қуйидаги тўловлар амалга оширилади:

- давлат пенсияларининг барча турлари;
- дафн маросими учун нафақалар;
- давлат пенсия таъминотига ҳуқуқи бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлаш учун.

2) ишлайдиган пенсионерларга қуйидаги тўловлар амалга оширилади:

- давлат пенсияларининг барча турлари;
- дафн маросими учун нафақалар;
- 16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда қўшимча дам олиш куни учун тўловлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар учун сарфланади.

Тасдиқланган Низомга мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари прогнозини шакллантириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари ҳар йили 15 июндан кечикмаган ҳолда Жамғарманинг ижро етувчи аппаратида жорий йил учун харажатларнинг кутилаётган ижросини ва келгуси йилга Жамғарма харажатлари прогнозини тақдим этади;

б) келгуси йилга маблағлардан фойдаланиш йўналишлари бўйича Жамғарманинг харажатлари прогнозлари (даромадлари билан биргаликда) Жамғарманинг ижро етувчи аппарати томонидан ишлаб чиқилади ва Жамғарманинг Кузатув кэнгашига кўриб чиқиш учун киритилади;

в) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети белгиланган тартибда қабул қилингандан ва келгуси йилга унинг асосий параметрлари тасдиқлангандан кейин Жамғарманинг ижро етувчи аппарати беш кун муддат ичида Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўлимларига минтақалар кесимида тўловлар турлари бўйича келгуси йилга Жамғарма харажатларининг тасдиқланган асосий параметрларини (йўналишларини) етказиши лозим.

г) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш, яъни Жамғарма маблағларини пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсациялар тўлаш учун ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсацияларни ўз вақтида тайинлаш ва тўловга юбориш, шунингдек Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш вазифалари Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўлимлари томонидан таъминланади.

д) Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари Жамғарманинг ижро етувчи аппаратига ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунига қадар ҳудудлар бўйича тўланган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар тўғрисидаги тезкор ахборотни тақдим етишлари лозимлиги Низомда қайд етиб ўтилган. Бундан ташқари, Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари тасдиқланган шакл бўйича юридик шахсларнинг чораклик ва йиллик ҳисоботлари тақдим етилгандан кейин 15 кун мобайнида Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим етишлари лозим.

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Пенсия жамғармасининг харажатлари таркибида асосий салмоқни ишламаётган пенсионерларга пенсия ташкил этади, 2011 йилда 5 862 700,0 минг сўм (96.2), 2012 йилда 7246000,0 минг сўм (96.6), 2013 йилда 97,2%, 2014 йилда 97,4 2015 йилга 12838,1 млрд сўмда яъни 95.6% мўлжалланмоқда

2.5 -жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари таркиби ва тузилиши¹⁸

Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%	Сумма	%
Харажатлар	8065,4	100	10302,1	100	13013,7	100	16557,0	100
Ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар тўлаш харажатлари	7246,0	89,8	9097,9	88,3	11191,9	86,0	12838,1	77,5
Ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар тўлаш харажатлари	290,9	3,6	317,4	3,1	426,6	3,3	474,8	2,9
Қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар, бола туғилганликда, дафн маросимлари учун нафақалар ва бошқа тўловлар	12,8	0,6	20,5	0,2	29,1	0,2	105,2	0,6
Бошқа харажатлар	1,8	0,02	2,1	0,0	2,4	0,0	2,8	0,0
Йил охирига қолдиқ	513,9	6,4	864,2	8,4	1363,7	10,5	3136,1	19,0

Бу харажатнинг умумий ҳажми (абсолют кўрсаткичлари) ва нисбий кўрсаткичлар ҳам ўсмокда. Ишлаётган пенсионерларга пенсия эса 2011 йилда 278 900,0 минг сўм (3.7%), 2012 йилда 290 900,0 минг сўмни (3.3%), 2013 йилда (2.8%), 2014 йилда (2,5%) ташкил қилган. 2015 йилга минг сўмда, яъни 3,5% мўлжалланмокда Бу харажатнинг суммаси йилдан йилга ошмокда, лекин салмокда йилдан йилга камаймокда.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларнинг (вақтинча меҳнатга қобилиятига эришмаганлик учун; ҳомиладорлик ва туғиш учун; бола туғилгани учун; кўшимча дам олиш куни учун; дафн этиш маросими учун) тўланиши “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012, 2013, 2014 ва 2015 йилги макроиктисодий кўрсаткичлар ва бюджет параметрлари тўғрисидаги Қарорлари (ПҚ-1675, ПҚ-1887, ПҚ-2099, ПҚ-2270) асосида тайёрланди.

тўғрисида Низом¹⁹ ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

2011-2014 йилларда қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар, бола туғилганликда, дафн маросимлари учун нафақалар ва бошқа тўловлар жами харажатлар таркибида 2012 йилда 12,8 млрд. сўм, яъни 0,6%, 2013 йилда 20,5 млрд. сўм, яъни 0,2%, 2014 йилларда 29,1 млрд. сўм, яъни 0,2% ташқил қилган. 2015 йилда 105,6 млрд.сўм, яъни 0,6% режанламоқда.

Бошқа харажатлар 2012 йилда 1,8 млрд сўм, яъни 0,02%, 2013 йилда 2,1 млрд. сўм, 2014 йилда 2,4 млрд сўм ташқил қилган 2015 йилда 2,8 млрд. сўм қилиб белгиланган.

Амал қилаётган қонунчиликка кўра, пенсия тизими куйидаги ижтимоий таъминот турларини қамраб олади: а) ёшига кўра пенсия; б) ногиронлиги бўйича пенсия; в) боқувчисини йўқотганлигига кўра пенсия. Пенсия таъминоти учун амалдаги пенсия тизими 2 асосий талабни кун тартибига қўяди. Биринчиси, пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчи ҳолатларнинг мавжудлиги. У пенсия ёшига етиш, ногиронлиқнинг содир бўлиши ва боқувчисини йўқотганлик натижасида юзага келади. Иккинчи талаби амалдаги шартларга кўра иш стажининг мавжудлиги билан боғланган.

2013 йилда 2767521 пенсионердан 2181245 ёшга доир пенсия олувчилар яъни 78,8%, 411 694 нафар яъни 14,9% ногиронлик бўйича пенсия олувчилар сони, улардан 76,8% ИИ гуруҳ ногиронлари ташқил қилган, боқувчисини йўқотган пенсия олувчилар сони 175245 нафар яъни 6,3 % ташқил қилган. 2013 йилда пенсия олувчилар сони 2012 йилга нисбатан 16809 нафарга ошган.

2014 йилда 2798759 пенсионердан 2216245 ёшга доир пенсия олувчилар яъни 78,2%, 411 694 нафар яъни 14,6% ногиронлик бўйича пенсия олувчилар сони, улардан 77,2% ИИ-гуруҳ ногиронлари ташқил қилган, боқувчисини йўқотган пенсия олувчилар сони 178 645 нафар яъни 6,3 %

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 20 майда 1136-1-сон билан рўйхатга олинган).

ташқил қилган. 2014 йилда пенсия олувчилар сони 2013йилга нисбатан 31238 нафарга ошган(купайган).

2011-2014 йиларда пенсия олувчилардан имтиёзли пенсия олувчилар 2011йилда 1316548 нафар яъни 48.3% ташқил қилган, 2014 йилда имтиёзли пенсия олувчилар сони 1014 802 нафар яъни 36.3% ташқил қилган. 2011-2014 йиларда пенсионерлар сони 72986 ошди яъни 102.7%.

Пенсия жамғармасига пул ўтказувчиларга турли имтиёзлар берилади. Масалан, корхона ишчилари орасидаги ногиронларга ёки чернобилчиларга иш ҳақи фондидан 4,7% миқдорида пенсия фондига ажратма ажратилади. Корхона пенсия фондига ажратмани ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар ўтказиш керак.

Пенсия жамғарманинг маблағлари маҳаллий банклар счётидан тўланади, марказдан еса фақатгина керакли тўлов топшириқномалари берилади. Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари пенсия фонди маблағлари ғазначилик тизими ҳисоб варақаларида сақланади.

2.6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатлари прогнозини шакллантириш механизми²⁰

1	Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳар йили 15 июндан кечикмаган ҳолда Жамғарманинг ижро этувчи аппаратида жорий йил учун харажатларнинг кутилаётган ижросини ва келгуси йилга Жамғарма харажатлари прогнозини тақдим этиш
2	Келгуси йилга маблағлардан фойдаланиш йўналишлари бўйича Жамғарманинг харажатлари прогнозлари (даромадлари билан биргаликда) ишлаб чиқиш ва Жамғарманинг Кузатув кэнгашига кўриб чиқиш учун киритиш
3	Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети қабул қилингандан ва келгуси йилга унинг асосий параметрлари тасдиқлангандан кейин беш кун муддат ичида Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўлимларига минтақалар кесимида тўловлар турлари бўйича келгуси йилга Жамғарма харажатларининг тасдиқланган асосий йўналишларини етказиш
4	бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш - Жамғарма маблағларини пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсациялар тўлаш учун ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсацияларни ўз вақтида тайинлаш ва тўловга юбориш, шунингдек маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш
5	Ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунига қадар ҳудудлар бўйича тўланган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари тўғрисидаги тезкор ахборотни, юридик шахсларнинг чораклик ва йиллик ҳисоботлари тақдим етилгандан кейин 15 кун мобайнида Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низом”. 2010 йил.

Ишламайдиган ва ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни молиялаштириш учун Жамғарманинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг бўлинмаларида ҳисоб рақамлар очилади.

Жамғарманинг ҳудудий бошқармалари тўлов тўланадиган ҳар бир ойнинг 15-кунигача ишламайдиган ва ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар тўлаш учун маблағларга бўлган еҳтиёж ҳажмини белгилайди ҳамда Жамғарманинг ижро етувчи аппаратиға буюртманома тақдим етади.

Жамғарманинг ижро етувчи аппарати пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсациялар тўлаш учун Жамғарма маблағларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда:

- ўтган ойнинг еҳтиёжи ҳисоб-китобидан келиб чиққан ҳолда, унинг 50 фоизи ҳажмидаги маблағларни жорий тўлов ойнинг 15 - кунигача;
- ҳисобланган ойлик еҳтиёжнинг молиялаштириб берилган қисмидан қолган маблағларни жорий тўлов ойнинг 27 - кунигача молиялаштириб бериши лозим.

Жамғарманинг туманлар ва шаҳарлар бўлимлари ташкилотларнинг ҳар ойда тақдим қилинадиган буюртманомалари бўйича ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, дафн маросими учун нафақалар, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналаридан бириға кўшимча дам олиш кунлари учун ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловларни тўлашға маблағларни молиялаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатлари прогнозини шакллантириш механизмининг муҳум воситаси сифатида пенсия жамғармаси харажатларини мамлакатимиз солиқ тушумларидан даромадлар ва бошқа манбалардан келиб тушадиган даромадлар билан таққосланади. Таққосланиш учун одатда камида 4 ва 5 йиллик маълумотларни ўрганиб чиқилади. Харажатларни

прогнозлаш мамлакатда пенсионерлар сонини ўсиб бориши динамикаси билан боғлиқ ҳолатда ўрганилади.

III боб бўйича хулоса

Тадқиқотлар натижасида иккинчи боб юзсидан қуйидаги хулосалар тайёрланди:

1. Пенсия жамғармаси даромадлари ўсиш тенденциясига эга эканлигидир ва шунга мос пенсия жамғармасининг харажатлари ҳам ўсмоқда.

2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тизимига:

- Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бошқармалари;
- Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлимлари;
- Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси;
- бош, туман, туманлараро, шаҳар ва ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари киради.

3. Республикамизда яратилаётган ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари ва давлат мақсадли жамғармаларга тўловлар миқдори нисбати унчалик катта кўрсаткични ташкил этмайди.

4. Пенсияларни қайта ҳисоблаш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда; ногиронлик гуруҳи ўзгарганда; боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда; энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда; даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

5. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси даромадларининг ортишида шаҳар бўйича ишчилар сонининг ошаётганлиги ва корхоналар сонининг ошаётганлиги сабаб бўлган.

6. Пенсия жамғармаси харажатлари таркибида ишламайдиган пенсия олувчилар сонининг юқорилигидир.

ИИИ БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ДАРОМАДЛАРИ МАНБААЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда Пенсия жамғармаси даромадларини оширишдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари

Ватанимиз халқи тарихан ва келиб чиқиш жиҳатидан меҳмондўст, инсоний ҳислатларни қадрловчи, кўни-кўшни, ёру-бродарларига меҳрибон, қийналган инсонларнинг ғамига баравар шерик бўлувчи дунё халқлари ичида юксак эътирофга сазовор халқдир. Кексаларни эъзозлаш, уларга ғамхўрлик қилиш, боқувчисидан айрилганларни бошини силаш, уларга ёрдам кўрсатиш, ногиронларни дардига малҳам бўлиш ва аҳолининг бошқа қийналган катламларига меҳр кўрсатиш тушунчалари барча динларда, жумладан Ислом динида ҳам устувор вазифа сифатида эътироф этилади. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни юқори даражада ташкил қилиш бизнинг бурчимиз ва мажбуриятимиз ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов айтганларидек, «...Биз танлаган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар ҳаққоний ва самарали экани биз кураётган янги демократик тизимда, иқтисодиётимиз ривожланишининг барқарор, барчани ҳайратда қолдираётган суръатларида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда. Ўтган даврда биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга қарамасдан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси бу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг 1 январиди 31 миллион 500 минг кишини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай улкан натижаларга эришганимизни, очиғини айтганда, баъзан тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин. Шу йилнинг ўзида уларга давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан

ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўлангани бунинг амалий тасдиғидир²¹».

Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида “Ўзбек модели” деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида айнан шу йўналишдаги ишларнинг муҳим ва устуворлиги белгиланган. “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан махрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас²²” дейилган.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни давлат томонидан таъминлашга аҳолига ёрдам берадиган воситалар, усуллар ва шарт-шароитлар мажмуи “кафолат” тушунчасини беради. Кафолатнинг асосий вазифаси, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашдир. Иқтисодий кафолатларга: адолатли истеъмол саватини давлат томонидан расмий равишда мустаҳкамлаш, минимал ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш, давлат томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламини, вояга етмаганлар, пенсионерлар ва ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам киради.

Президентимиз И.Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

²¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. \ Халқсўзи. 2014 йил. 5 декабр.

²² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент. “Ўзбекистон”. 2008. -40 б.

Маҳкамасининг 2015 йил 16 январдаги мажлисидаги маърузаларида таъкилаганларидек, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини муттасил ошириш билан боғлиқ масалалар доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. «...Турли муассаса ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий таъминот ва тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва зарур даражада назорат қилиш масалалари²³» бугунги кунда жуда муҳимдир.

Албатта, ғамхўрлик қилиш, меҳр кўрсатиш турли тадбирлар ўтказишда эмас, балки, ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш, уларни бошқалардан кам бўлмасдан яшашига имкон яратиш билан намоён бўлиши лозим. Шу билан бирга, бу ишлар бир марта ёки муайян вақтда эмас, балки доимий тарзда амалга ошириб борилиши зарур. Юртимизда ушбу масъулиятли вазифани бажариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига юклатилган.

Пенсия жамғармаси – кексалар, меҳнат қобилиятини вақтинча ёки бутунлай йўқотган, боқувчисидан айрилган ва аҳолининг бошқа айрим ижтимоий муҳофазага мухтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ижтимоий-молиявий муассаса ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун Пенсия жамғармаси мустақам ва узлуксиз даромад манбаига эга бўлиши лозим.

Пенсия жамғармаси даромадлари – ҳукуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар томонидан мажбурий ёки ихтиёрий равишда тўланадиган (ундириладиган) молиявий ресурслардир. Қонун ҳужжатларидан белгиланган ҳар бир вазифаларни амалга ошириш учун

²³ Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. \ Халқсўзи. 2015 йил. 18 январ.

сарфланадиган маблағларнинг манбалари барқарор ва меъёрий-ҳуқуқий асосланган бўлиши лозим.

3.1-жадвал

Пенсия жамғармаси даромадларининг турлари²⁴

Юридик шахслар томонидан тўланадиган тўловлар	Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган тўловлар	Транзит тушумлар
Белгиланган миқдордаги ижтимоий тушумлари	Ходимларнинг иш ҳақидан тўланадиган суғурта бадаллари	Меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлганларга пенсиялар тўлаш харажатларини қоплаш учун регрессив талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағларнинг 85 фоизи
Алоҳида юридик шахсларнинг ижтимоий суғурта бадаллари	Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган суғурта бадаллари	Муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари
Мажбурий ажратмалар	Дехқон хўжалиги аъзолари томонидан тўланадиган суғурта бадаллари	Имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобига ўтказиладиган юридик шахслар маблағлари
Бошқа тушумлар	Якка тартибдаги тадбиркорларга ёлланган ишчиларнинг суғурта бадаллари (2015 йил 15 майдаги ПФ-4725)	Юридик шахс тугатилганда, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати), фермер ва деҳқон хўжалиги қайта ташkil этилганда ёки тугатилганда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига чалинган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга етказилган зарарни қоплаш учун тўланадиган суммалар
	Бошқа тушумлар	Бошқа тушумлар

Пенсия жамғармаси даромадларини барқарор ва узлуксиз бўлишини таъминлаш, келажакдаги тушумларни прогнозлаштириш учун аввало даромадларнинг турлари ҳамда шакллари бўйича фарқлаб олиш зарур. Пенсия жамғармаси даромадларини турлари ва шакллари бўйича фарқлаш,

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 30-сон Қарори.

таҳлил қилиш ва истиқболдаги режаларни белгилашда тўғри ёндошув асосида хулоса чиқарилишини таъминлайди. Табиийки, жамиятдаги демографик, иқтисодий, ижтимоий, хатто юз бераётган сиёсий вазиятлар ҳам Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, келажакда ўз вазифаларини тўлақонли бажара олмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Республикамизда ўтказилган мазкур ислохотлар биринчи навбатда Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва маблағларнинг мақсадли сарфланишига қаратилди. Шу билан бирга, миллий пенсия таъминоти тизими даромадлар манбаларини мустахкамлашнинг муҳим ҳуқуқий асоси ва шаклланиш тарихи бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида”ги Низомда Пенсия жамғармасига тушумлар номма-ном санаб ўтилган.

Жадвалда келтирилганидек, Пенсия жамғармасига тушумларни уларнинг хусусиятлари ва тўловчиларидан келиб чиққан ҳолда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Юридик шахслар томонидан тўланадиган тўловлар – қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда юридик шахслар томонидан мажбурий асосда тўланадиган, ундириладиган ёки ихтиёрий асосда тўланадиган тушумлар.

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган тўловлар – қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жисмоний шахслар ёки унинг иш берувчилари (жисмоний шахс ҳисобидан) томонидан мажбурий асосда тўланадиган, ундириладиган ёки ихтиёрий асосда тўланадиган тушумлар.

Транзит тўловлар – Пенсия жамғармасининг маблағлари ҳисобидан тўланган (тўланадиган), аммо қонун ҳужжатларида ҳақиқий тўловчилари белгиланган харажатларини қоплаш учун бошқа шахслардан олинадиган (ундириладиган) тушумлар.

Шундай ҳолатлардаги вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келаётган ёки юзага келиши кутилаётган муаммоларни оқилона ҳал этиш мақсадида мамлакатимизда мустақилликка эришганимиздан сўнг пенсия таъминоти тизимида бугунги кунга қадар бир неча бор ислохотлар ўтказилди:

– 1991 йил 14 январда Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “ССЖИ Пенсия фондининг Ўзбекистон жумҳурияти бўлимини ташкил этиш тўғрисида”ги 9-сон Қарорига асосан Пенсия фондининг пул маблағлари давлат бюджети таркибидан алоҳида ажратилди;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 1993 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 391-сон Қарорига асосан Собиқ Иттифоқ Пенсия фондининг Ўзбекистон Республика бўлими негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди;

– 1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 459-сон Қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилди;

– 2000 йил 15 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 444-сон Қарорига асосан Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси 2001 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди ва жамғармага мажбурий тўловлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилди;

– 2004 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 490-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1252-сон Қарорига асосан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига пенсия таъминотини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ваколатлар тўлиқ ўтказилди.

Пенсия жамғармасини келажакда кутаётган молиявий харажатларни прогнозлаштириш, уларга тайёргарлик кўриш, даромад манбаларининг барқарорлигини таъминлаш бугунги кунда нафақат Ўзбекистоннинг балки, дунёнинг кўплаб мамлакатларнинг иқтисодчи олимлари ва давлат арбобларини чуқур ўйлашга мажбур қилмоқда. Чунки, дунёда юз бераётган демографик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият бу соҳадаги олиб борилаётган ишларни бир зумда ўз йўналишидан чиқариб юбориши ҳеч гап эмас. Шу боис, мазкур вазиятни маҳаллий доирада таҳлил қилиш учун Тошкент вилояти кўрсаткичлари танланди. Тошкент вилоятининг доимий аҳоли сони 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига 2 758,3 минг нафарни ташкил этди²⁵.

2014 йил якунлари бўйича пенсия ва ижтимоий нафақалар олувчи аҳоли сони жами Тошкент вилояти аҳолиси сонига нисбатан тахминан 10,5 фоизни (289 минг нафарга яқин) ташкил этади деб ҳисобласак, ушбу тоифадаги фуқароларнинг 77-80 фоизга (223 минг нафар атрофида) яқин қисми ёшга доир пенсия олувчиларни ташкил қилили табиий.

²⁵ www.stat.uz сайти маълумотлари (демографические-данные).

Пенсия жамғармаси даромадларининг шакллари²⁶

Мажбурий тартибда ундириладиган тушумлар	Ихтиёрий равишда тўланадиган тушумлар	Молиявий фаолият фойдаси
Қонун ҳужжатларига асосан юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланиши мажбурийлиги кўрсатилган тушумлар	Қонун ҳужжатларига асосан юридик ва жисмоний шахслар учун ихтиёрий тартибда тўланадиган ёки тўланиши таъқиқланмаган тўловлар	Пенсия жамғармасидаги вақтинча бўш турган активлардан молиявий фаолиятда фойдаланиш орқали олинадиган даромадлар

Тошкент вилоятида 2015 йилнинг 1 январ ҳолатига 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар сони 269 878 нафарни ташкил этади. Шундан, 223 минг нафари ёки 82,6 фоизи ёшга доир пенсия олади. 2014 йил якунлари бўйича Тошкент вилоятида қайд этилган ўлимлар сони 16215 тани ташкил этади.

Агар 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркаклар ўртасидаги ўлимлар сони жами ўлимлар сонига нисбатан ўртача 60 фоизни ташкил этган бўлса, 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркакларнинг пенсия олиш ҳуқуқи юзага келадиган шахсларнинг сони ўртача 82 фоизни ташкил этади. Диссертациянинг 1-илоvasида 2031 йилда Тошкент вилоятида ёшга доир пенсия олувчилар сонини ўзгаришини кўришимиз мумкин²⁷.

Қуйидаги 3.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ёшга доир пенсия олувчилар сони 2016 йилдаги 233 334 нафардан 2031 йилда (15 йилдан сўнг), 593 788 нафарга етади ёки бу кўрсаткич 2,5 баробарга кўпаяди. 3-жадвалдаги таҳлил маълумотлардан кўриниб турибдики, 2031 йилда Пенсия жамғармаси пул маблағлари миқдорини 20 баробарга ошириш талаб этилади.

Жамғарма даромадларини шакллантириш, ундириш, ҳисоблаб чиқиш ва ўз вақтида тўланиши ва қонунчиликка риоя этилиши Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади.

²⁶ Таъқиқотлар жараёнида ўрганилган пенсия таъминотида оид қонунлик ҳужжатлари ва адабиётлар асосида тайёрланди.

²⁷ www.stat.uz сайти маълумотлари (демографические-данные).

3.3-жадвал

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2016-2031 йилги харажатлар прогнози²⁸

Йиллар	Ёшга доир пенсия олувчилар сони	Ўртача пенсия миқдори йиллик 15 % индексация билан млн. сўмда	Пенсия харажатлари млн. сўмда	Ўтган йилга нисбатан ўсиш %да	2016 йилга нисбатан ўсиш %да
2016	233334	0,380	88 666,8		
2017	254189	0,437	111 080,5	125,3	125,3
2018	275510	0,503	138 457,6	124,6	156,2
2019	297961	0,578	172 201,2	124,4	194,2
2020	321770	0,665	213 855,7	124,2	241,2
2021	345583	0,764	264 134,6	123,5	297,9
2022	370028	0,879	325 240,8	123,1	366,8
2023	394916	1,011	399 183,9	122,7	450,2
2024	420165	1,162	488 411,4	122,4	550,8
2025	444942	1,337	594 794,9	121,8	670,8
2026	470099	1,537	722 689,2	121,5	815,1
2027	494134	1,768	873 583,9	120,9	985,2
2028	519398	2,033	1 055 985,3	120,9	1 191,0
2029	544937	2,338	1 274 094,8	120,7	1 436,9
2030	569612	2,689	1 531 555,7	120,2	1 727,3
2031	593788	3,092	1 836 043,1	119,9	2 070,7

Агар бу борада чуқур ўйлаб, зарур чоралар кўрилмаса, мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимида жуда катта қийинчиликлар юзага келиши кутилмоқда.

3.2. Ўзбекистонда Пенсия жамғармаси даромадлари мустахкамлашда хорижий тажрибалардан фойдаланиш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлари янада чуқурлашуви, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш манзиллигини кучайиши мамлакатда амал қилаётган пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

²⁸ Тахминий ҳисоб-китобларга асосан тузилган.

Республикамизда пенсияларни тўлаш учун уч ойлик эҳтиёжларни маблағ билан таъминлашга етарли резерв жамғармасини ташкил этишнинг зарурлиги, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар учун мажбурий бадаллар тўлаш тартиби ва миқдорини белгиладиган қонунларни ишлаб чиқиш зарурияти тайинланадиган пенсия миқдорини Пенсия фондига тўланган мажбурий бадаллар миқдори билан бевосита боғлиқлигини кучайтириш эҳтиёжи, пенсияларни тайинлашда Пенсия жамғармасини даромадлар қисмида фуқаролар қатнашувини жинсий белгилар бўйича бахоланишидаги фарқларни мавжудлиги, иш берувчилар ва ёлланма ишчилар, шунингдек турли гуруҳларга мансуб товар ишлаб чиқарувчиларни пенсия фондига тўлайдиган ойлик бадалларини миқдори ўртасидаги фарқларни мавжудлиги, катор имтиёзли пенсия таъминотини элементларини сақланиб қолаётганини, амал қилаётган пенсия тизимида айрим муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Пенсия тизимини институционал моҳиятидан келиб чиққан ҳолда энг муҳим масалани ҳамма меҳнат пенсионерларини моддий таъминотини барқарор механизминини яратиш вазифасини тўлиқ ҳал этилмаганлиги ушбу муаммони алоҳида илмий- амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ижтимоий бозор иқтисодиёти давлатларида пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш вазифаси анъанавий кўринишда субсидиар асосда, яъни фуқарони пенсия ҳуқуқларининг аксарият қисми у томонидан мустақил равишда ишлаб топилади, агар қонун асосида ўрнатилган пенсия минимумини таъминлаш учун маблағ етишмаса давлат бюджети ҳисобида қопланади. Бироқ шаклланган бозор иқтисодиёти шароитида суғурта пенсия тизимида бир фуқароларни моддий қўллаб- қувватлаш бошқаларни суғурта қилимаган секвестирлаштириш ҳуқуқлари асосида амалга оширилиши мумкин эмас. Шунингдек суғурта ҳуқуқларини шакллантиришнинг рағбатлантириш муаммоси бир мунча мураккаб кечади.

Тараққий этган мамлакатларнинг амалиёти кўрсатишича суғурта мезони сифатида ишловчига қариликда одатдаги моддий турмуш даражасини сақлаш имконини берадиган йўқотилган иш ҳақини қоплаш даражаси қабул қилинган. Шу мақсадда у ёки бу кўринишдаги уни иқтисодий ва ижтимоий мазмунини ўзгартирмайдиган қоплаш коэффиценти қўлланилади. Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига кўра қоплаш коэффицентининг минимал миқдори йўқотилган иш ҳақини 40% га тенг бўлиши керак, ҳар бир пенсионерга 5-6 ишловчи тўғри келиши ва тўловлар давлатнинг бирдамлик тамойилига асосланган бўлиши керак.

Шу билан бир каторда тараққий этган мамлактлар жамғариладиган иснсия тизими ва корпоратив пенсия фондларига қўшимча тўловларни жорий этиш ҳисобидан ишловчиларни меҳнат даромадларини қоплаш коэффиценти миқдорини кескин оширдилар. Жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларида ушбу кўрсаткич 65%ни ташкил этиб фуқароларни меҳнат фаолиятини тугатгандан сўнг юқори даражада даромад билан яшаш имконини таъминламокда.

Ҳар бир мамлакатнинг пенсияни суғурталаш тизимини сифатини баҳолашни муҳим мезонларидан бири ишлаётган аҳолини ижтимоий суғурталаш билан камраб олиш даражаси ҳисобланади. Шунингдек ҳар бир мамлакатда амал қилаётган пенсия тизимини сифатини белгиловчи кўрсаткичлар қаторига пенсия миқдорининг муносиблиги ва етарлилиги, узок муддатда барқарорлик, ташқи омилларга нисбатан барқарорлик.

XXI аср бошларида жаҳонда бирдамлик ва жамғарилиш тизимларига асосланган пенсия тизимлари амал қилмокда. Бирдамлик пенсия тизими авлодлар, иш берувчилар ва ишловчилар, юқори ва паст иш ҳақи олувчи ходимлар бирдамлигига асосланган ва у бирдамлик тамойили асосида молиялаштирилади. Бирдамлик пенсия тизими давлатга тегишли бўлиб уни корхона ва тармоқ миқёсида ташкил этиш мумкин эмас ва умуман пенсиянинг юқори даражасини нисбатан қадрсизланишига олиб келмокда. Бирдамлик тизимининг муҳим жиҳати шундаки у қайта тақсимлаш

тамойилига асосланганлиги учун пенсионерлар ўртасида қашшоқликни жиддий камайтиради.

XX асрнинг 70-йилларига келиб бирдамлик таможилига асосланган пенсия тизимида пенсия фондларининг молиявий беқарорлиги кучайиб пенсия фондига тўланадиган тўловларни ошириш эҳтиёжи кучайиб бюджетдан трансфертларни ажратиш зарурати вужудга келди. Бирдамлик пенсия тизимининг салбий жиҳатларига давлатнинг пенсия тизимининг монопол ҳолатга эга бўлиши, тенглаштириш элементларини кучайиши, ижтимоий боқимандаликини ортиши ва аҳолини жамғаришга бўлган мойиллигини сусайишини киритиш АҚШнинг ЯИМда аҳоли шахсий жамғармаларининг улуши XX асрнинг 60-70-йилларида 8%ни ташкил этган бўлса, 90-йилларга келиб ушбу кўрсаткич 5% гача тушди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози пенсия тизимининг таркибий қисмларига салбий таъсир кўрсатди. Пенсия тизимининг дастлабки даражаси давлат даромадлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши солиқ тушумларининг камайишига ва пенсия тизимининг ушбу даражасининг молиявий ҳолатини ёмонлашувига олиб келди. Маълумки пенсия тизимининг биринчи даражаси банд аҳоли ва иш берувчилар томонидан тўланган бадаллар ҳисобидан молиялаштирилади. Иш ҳақи миқдорининг қисқариши ва ишсизлик даражасининг ортиши ушбу даражани молиялаштириш фондининг қисқаришига олиб келди. Иккинчи ва учинчи даражалар банд аҳоли ва иш берувчилар томонидан тўланадиган бадаллар ҳисобидан, даромадлардан олинадиган фоизлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Пенсия тизимининг харажатлари таркибида аҳолининг пенсияга иложи борица барвақт чиқиш ёки ногиронликни олишга ҳаракат қилганликлари туфайли одатда пенсия олувчилар сони инқироз даврида ортади. Инқироз даврида одатда мамлакатлар пенсия тўловларини қискартиришни хохламайдилар бироқ ўртача иш ҳақи пасайиш тенденциясига эга бўлади.

Аввалги инқирозлар таҳлили ва тажрибаси кўрсатишича иш ҳақининг микдоринининг пасайиш суръати ялпи ички маҳсулотнинг қисқаришига караганда икки марта юқори бўлади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари давлат пенсия тизимини молиялаштириш борасида кутилмаган ҳолатларга дуч келганликлари сабабли пенсия тизимини асосий элементларини ўзгартиришга ва ислоҳ этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқара бошладилар. Биринчи навбатда мамлакатлар пенсия фондининг молиявий ҳолатини, фискал балансини яхшилаш учун давлатда пенсия тизимини даромадларининг қўшимча манбаларини топиш ёки харажатларни қисқартириш йўллари излай бошладилар.

Аксарият давлатлар қўлланиладиган айрим қисқа муддатли чораларни узоқ истиқболда қўшимча харажатларини кўпайишига олиб келишини эътиборга олишди. Масалан, Россия ва Руминия пенсия тўловлари ставкасини қисқартиришди. Эстония, Латвия, Литва ва Руминия иккинчи даража доирасидаги пенсия тўловлари микдорини қисқартирган ҳолда биринчи даража доирасидаги тўловларни оширдилар. Руминия жамғариладиган пенсия тизимига тўланиши режалаштирилган пенсия тўловлари ортишини тўхтатди. Бошқа мамлакатлар тўловчиларга тўлиқ равишда бутунлай пенсия тизимининг биринчи даражасига кайтишга рухсат бердилар.

Одатда ҳукуматлар ишсизлик даражасининг ортишига жавобан пенсияга эрта чиқиш ва ногиронликни олдини олишга қаратилган чекловларни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни кўллар эдилар. Хозирда ишсизлик даражасининг ортиши пенсия фондларининг тақчиллиги даражасини янада мураккаблаштирмоқда. Чунки даромадлар тўхтовсиз камайган ҳолда харажатлар ортмоқда. Шундай қилиб айрим мамлакатларда пенсия тўловлари ставкасининг ортиши давлатларни келажакдаги жавобгарлигини янада оширади, ҳамда пенсия тизимининг иккинчи даражасидаги тўловларни биринчи давлат пенсия тизимига ўтказилиши биринчи даражанинг маъсулиятини янада оширади.

Пенсия тизимининг ислоҳ этишни муҳим йўналишларидан бири пенсияга чиқиш ёшини ошириш, жумладан эркаклар ва аёлларнинг пенсияга чиқиш ёшини тенглаштириш ҳисобланади. Тараққий этган мамлакатларнинг аксарият қисмида пенсия тизимини ислоҳ этишининг устувор йўналиши сифатида пенсияга чиқиш ёшини аста-секин 67 ёшга етказиш (айримларда 69 ёшга) амалга оширилмоқда. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсияга барвақт чиқишдаги турли имтиёзлар мавжудлиги туфайли пенсияга чиқишнинг ўртача ёши тараққий этган мамлакатларга нисбатан пастроқ ҳисобланади.

3.4-жадвал

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инкирозга қарши чоралар дастури доирасида пенсия тизимини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар²⁹

Қабул қилинган чора	Қўлланилган мамлакат
Пенсия бадали ставкасини ўзгартириш	Румьшия, Россия
Пенсия бадали ставкасини пенсия тизимининг иккинчи даражасида ўзгартириш	Румьшия, Литва
Пенсия тизимининг иккинчи даражасига кириш ва ундан чиқишга рухсат бериш	Словакия, Венгрия
Индексациялаш шаклини ўзгартириш минимал ва асосий ставкани қисқартириш	Сербия, Венгрия
Пенсияга чиқиш ёшини ошириш	Венгрия
Пенсияга эрта чиқишни камайтиришга қаратилган чоралар	Польша, Венгрия, Ўзбекистон

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида турли масалалар мавжудлигига қарамадан уларнинг энг муҳими қандай қилиб пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини пенсиянинг етарли даражасининг кафолати билан уйғунлаштириш вазифаси турибди. Ушбу вазифа янги эмас, бироқ молия

²⁹ Вахабов А.В. и.ф.д., профессор. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия тизимини модернизациялаш истиқболлари. “Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2014 йил 21 ноябр. 28-38 бетлар.

инқирози бирдамлик пенсия тизимини асосан қўлловчи ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги молиявий барқарорликни таъминлаш масаласини кескинлаштирди. Чунки бирвақтнинг ўзида ҳам пенсионерларни даромадини ошириш, ишловчиларга тушадиган демографик оғирликни кўпайтирмаслик ва пенсия фондларининг камоматиини қисқартириш вазифасини ҳал этиб бўлмайди.

Пенсионерларни турмуш фаровонлигини оширишда фақат пенсия тўловларининг микдорига асосланиш керак эмас, чунки ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида кўпчилик пенсионерлар жамғармаларга ва кўчмас мулкка эга.

ИИИ боб бўйича хулоса

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсионерлар даромадининг 60 фоизини пенсия тўловлари ташкил этган ҳолда, қолгаи қисмини тенг нисбатда иш ҳақи ва капитал ташкил этади. Агар пенсионерлар ўзларининг уй активларини 50 фоизини гаров ёки қайтарма ипотека орқали сотишганда ушбу мамлакатларда пенсионерлар ўртасидаги камбағаллик даражаси уч марта қисқариши мумкин эди.

Пенсияни жамғариладиган тизимини жорий этаётган мамлакатлар шунга иқдор бўлишдики ихтиёрий жамғариш элементини қўллаш юқори пенсияни микдорини таъминламайди. Шарқий Европа мамлакатларида молия иқирози давлат тизимидаги мажбурий жамғариш истикболини шубҳа остига қўйди. Чунки Венгрияда мажбурий жамғарилган пенсия фонди давлат бюджети ҳисобига мусодара қилинди, Литва ва Латвияда жамғариладиган тўлов бадали ставкаси мутаносиб равишда жамғариладиган пенсия тизими даромадларига 10 ва 8 фоиздан 2 фоизгача қисқартирилди. Словакия, Польша ва Болгарияда шу мақсадда жамғариладиган пенсия тизимлари мажбурийдан ихтиёрийлик принципига айлантирилди.

Россияда пенсия тизимини ислоҳ этиш пенсия тизимининг даромадларини максимал кўпайтиришга ва харажатларини қисқартиришга қаратилган. Шу мақсадда пенсияга чиқиш учун зарур бўлган минимал меҳнат

стажи миқдори оширилмоқда, жамғариш тизимидаги қатнашув даражаси қисқармоқда, барвақт пенсияга чиқишнинг шартлари кучайтирилмоқда. Иш ҳақидан тўланадиган бадал меъёри оширилмоқда ва истиқболда тўловларни ўзи ортиши режалаштирилмоқда. Россияда пенсияга чиқиш ҳуқуқини рублдан бадалларни ҳисоблаш ҳуқуқига ўтказиш пенсия фонди харажатларини минималлаштирган ҳолда уни молиявий барқарорлигини янада оширишга қаратилган. Жумладан Россияда ўртача қоплаш коэффиценти 2012 йилдаги 34 фоиздан 2030 йилда 20 фоизга қисқартириш ва 2015 йилда меҳнат бозорига кириб келувчи ёш авлод учун бирдамлик пенсия тизимида ўртача иш ҳақидан 35 йил мобайнида тўлиқ пенсия тўловларини тўлаган ҳолда қоплаш коэффицентининг 40 фоизи бўлишини режалаштирилмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизими 2010 йилгача Пенсия жамғармасининг харажатларини қоплаш учун Пенсия жамғармасининг даромад манбалари етмаган ва шу сабабли етишмовчилик ҳажмидаги маблағ Республика бюджетидан молиялаштирилган. 2010 йилдан кейин пенсия таъминоти тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида, яъни Пенсия жамғармасининг Молия вазирлиги таркибига ўтказилиши ва Ғазначилик тизими орқали ижро қилиниши натижасида даромадлар ортган. Пенсия тизимининг профицит билан ижро қилинишига бир неча омиллар сабаб бўлган. Даромадларининг ошишига мамлакатимизда ишчилар сонининг ортаётганлиги, ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг ошаётганлиги ва йиллик иш ҳақи фондининг ошаётганлиги сабаб бўлган. Бунга ҳам бир неча омиллар сабаб бўлган, яъни пенсионерлар сонининг ошаётганлиги ва нафақа олувчилар сонининг ошаётганлигидир.

Президентимиз И. Каримовнинг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармони аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ҳам олиб борилаётган ислохотлар натижасида фуқароларнинг иқтисодий ҳолати яхшиланмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари томонидан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида бўлган билим савиялари ошиб бормоқда ва натижада фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий равишда қатнашмоқда ҳамда ихтиёрий тартиб қатнашаётган фуқароларнинг Халқ банкидаги жамғариб борилган маблағига юқори ставкалар белгиланганлиги айтиб ўтиш жоиз. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида қатнашаётган иштирокчиларига тўғри келадиган ўртача миқдори 2010 йилда 59,6 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 81,7 минг сўмни, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 109,9 минг сўмни ташкил қилганлиги айтиб ўтилган.

Юқоридаги таҳлил маълумотлари орқали тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизими юридик ва жисмоний шахсларнинг тўлайдиган бадаллари асосида шакллантириладиган ва аҳолининг маълум бир эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилган пенсия жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланишга асосланади.

2. Пенсия тизими учун хос бўлган белгилар қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир давлатда пенсия тизимини жорий этиш мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасига бевосита боғлиқ;

- давлат нодавлат пенсия жамғармаларини тартибга солиб туради;

- пенсия тизимини ислоҳ қилиш зарурлигининг глобаллашуви ислохотлар стратегиясининг умумийлиги билан характерланади;

- демографик ва макроиқтисодий омиллар таъсирида пенсия тизимлари ўзгариб боради;

- пенсия таъминоти умумийликдан хусусийликка қараб ривожланиб бормоқда.

3. Мавжуд пенсия тизимларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- пенсия таъминотининг давлат пенсия таъминоти тизимлари;

- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотига мувофиқ тузилган пенсия таъминоти тизимлари.

Пенсия тизимини гуруҳлаш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилиши лозим:

- аҳолининг пенсия таъминоти билан қамраб олинган доираси;

- пенсия олиш ҳуқуқи учун шарт-шароитлар;

- молиялаштириш манбалари ва принциплари.

4. Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда пенсия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этиш учун объектив зарурият мавжуд. Ушбу жараёни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган хусусиятларини эътиборга олиш лозим.

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикасида иқтисодийни модернизациялаш шароитида пенсия таъминоти маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишларига қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Имтиёзли пенсия тизимини қатъиян қайта кўриб чиқиш ва уни тартибга солиш зарурлигини аниқлаш пенсия жамғармаси харажатларини самарали амалга ошириш сезиларли даражада қисқартириш имкониятини беради.

2. Пенсия жамғармасининг даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлашда қўшимча молиявий манбаларни излаш алоҳида роль ўйнаши керак. Бунинг учун:

а) ҳарбий хизматчилар пенсиялари давлат бюджети харажатлари ҳисобидан амалга оширилишига тўлиқ эришиш;

б) ишламайдиган ёлғиз қарияларга ижтимоий нафақалар тўлаш манбаи тартибини ўзгартириш;

в) пенсияга қўшиб бериладиган устамалар пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан эмас, балки давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишига эришиш лозим.

Мамлакат пенсия жамғармаси бюджети дефицитини йўқотиш ва узок муддатли молиявий барқарорлигини таъминлаш учун пенсия тизимини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим:

- тариф сиёсатини такомиллаштиришда пенсия ҳуқуқини шакллантириш аввалги йиллардаги пенсионерлар олдидаги пенсия мажбуриятларини молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

- давлатнинг тариф сиёсати тартибга солинишида меҳнат бозорининг расмий ва норасмий сектори, жумладан, ўзини-ўзи бандлик билан таъминловчи аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари суғурта йили қийматидан келиб чиққан ҳолда бадал тўлайди.

Пенсия жамғармаси бюджети харажатлар қисмини молиялаштиришнинг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш учун пенсияни ҳисоблаш даражаси, пенсия ҳуқуқини индексациялаш механизмини ва тайинланган пенсияларни оптималлаштириш, ишлаётган пенсионерларга тўланадиган пенсия тўловларини чеклаш, молиялаш манбалари билан таъминланмаган муддатидан илгари чиқадиган пенсияларни тугатиш лозим.

Қайд этилган хулоса, илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга муваффақиятли татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишни ҳамда янги босқичга олиб чиқилиши учун хизмат қилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., Ўзбекистон 2014.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси, 1995 йил 25 декабр.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 2007 йил 28 декабр.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, 2013 йил 26 декабр.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги Қонуни, 1993.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида» ги Қонуни, 2004.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги Қонуни. 2014.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги № 4161-сонли Фармони.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-1252-сонли Қарори.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги 2270- сон қарори.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2455 - сон қарори.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чоратadbирлари ҳақидаги 595-сон Қарори.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 30-сон Қарори.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 30-сон Қарори.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» ги 52-сон Қарори.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги “Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 46-сонли Қарори.

1.17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қомитаси ва Марказий банк бошқарувининг 2011 йил 9 августдаги қарорлари

билан “ЯИТни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом.

1.18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 6-сон буйруғига Илова: “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”, №2657, 2015 йил 30 январ.

1.19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги Пф-4751-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи.

1.20. Каримов И.А. Конституциямизнинг 23 йиллигига бағишланган “Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат” номли маърузаси, 2015 йил 6 декабр.

1.21. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”.- Т.: “Ўзбекистон” 1995.

1.22. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда”. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

1.23. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон. 2010.

1.24. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

1.25. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. - Т.: “Ўзбекистон”, 2013.

- 1.26. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент. Меҳнат. 2004.
- 1.27. Абдурахмонов Қ.Х., Тоҳирова Х.Т., Шарипов Б.М. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. – Тошкент, 2006.
- 1.28. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Хайитов А.Б. Аҳоли даромадлари ва уларни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ. 2007.
- 1.29. Аллаяров Ш., Тошмухамедова Д. “Давлат пенсия таъминоти”, ўқув қўлланма, Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2015.
- 1.30. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008.
- 1.31. Воронин Ю.М. Государственный финансовый контроль: вопросы теории и практики. – М., 2005.
- 1.32. Ибрагимов А.К., Сугурбаев Б.Б. “Бюджет назорати ва аудити”, ўқув қўлланма, Т.: инфоСОМ.УЗ МЧЖ нашриёти, 2010.
- 1.33. Қосимова Г., Каримова З. “Бюджетдан ташқари фондлар”. Ўқув қўлланма. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”. 2009.
- 1.34. Ламперт Х. Социальная рыночная экономика. Германский путь. М., - 1999.
- 1.35. Мартынова В.А., Шведская модель современного постиндустриального развития: новые проблемы и характеристики социального развития. М.,: ИМЭМО РАН, 2006.
- 1.36. Ўлмасова А., Ваҳобов А.. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2006.
- 1.37. Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Ташкент-2005. «Фан».
- 1.38. Финансы, налоги и кредит. Учебник. Изд. 2-е, доп. и перераб. /Под ред. д.э.н., проф. И.Д. Мацкуляка. – М.: Изд-во РАГС, 2007.
- 1.39. Яхшибоев Ғ.. Молиявий назорат// Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма.-Тошкент: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. Агеинг Репорт / Еуропеан Коммиссион. 2009; Сосиал Програмс тхроугхоут тхе Ворлд / Сосиал Сесуритй Администратион анд Интернационал Сосиал Сесуритй Ассосиатион.2011.

2.2. Андерсен Э. Рекомендации правительствам и парламентам стран СНГ по вопросам политики в области социального обеспечения в зарубежных странах. ТАСИС 1/905-1994.

2.3. Арустамян Г.Н.. Организационно-экономические механизмы повышения качества социальных услуг: автореферат ... к.э.н. – М.: МГУ им. М.В. Ломоносова, 2012.

2.4. Далимов Р.Т., Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его использование в условиях переходной экономики: Дис.кан.экон.наук. : 08.00.01/ Равшанбек Турабекович Далимов; МВ и ССО РУз, Нац.ун-т Узбекистана им.М.Улугбека. – Утв.22.05.2003.

2.5. Забиходжаев Р., Навотный А., Набиходжаев А., Файзуллаев Я., У.Абдурахманов. Совершенствование пенсионной системы и возможности создания негосударственных накопительных пенсионных фондов в Узбекистане. Экономическое обозрение. №10-11 (38-39) 2002. 3-10 стр.

2.6. Қосимова Г.А., Ботиров А.А.Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Монография. Т.: Тамаддун. 2015.

2.7. Мажидов Н.М., Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини ислоҳ қилиш (пенсия тизими мисолида): Дис.икт.фан.ном.: 08.00.01/ Нурали Махмудович Мажидов; Мирзо Улуғбек номидаги Ўзб.Миллий ун-ти. – Утв.29.03.2004; К16.01.04-16145/08. – Т.,2003.

2.8. Мойре А. Какую систему пенсионного обеспечения предпочесть (опыт Германии). // Человек и труд. - №2. - 2009.

2.9. О пенсионном обеспечении в странах Содружества // Общество и экономика. № 2. 2010.

2.10. Умурзаков Б.Х., Пенсионная система и её реформирование в условиях углубления рыночных отношений в экономике: Дис.док.экон.наук :

08.00.10/ Б.Х. Умурзаков; Филиал Российской экономической академии им.Г.В.Плеханова в г.Ташкенте. – УТВ.911./2.2007; Д.23.03.07-20479/035/08. – Ташкент, 2007.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар.

3.1. Кадомцева СВ. Государственные финансы. Учебное пособие.- М.: «ИНФРА -М». 2010. -352 с.

3.2. Мощенский С.З. Рынок ценных бумаг: трансформационные процессы. Учебное пособие. -М.: «Экономика». 2010. -235стр.

3.3. Нещитой А.С. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник. М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К». 2012. - 336 с.

3.4. Интернет сайтлари:

– www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси.

– www.треасури.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги.

– www.гов.uz Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.

– www.инф.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

– www.стат.uz Ўзбекистон республикаси Давлат Статистикаси Қўмитаси.

– <http://www.солиқ.uz/> Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ Қўмитаси.

– <http://www.хб.uz> Ҳалқ банки.

– www.википедиа.ру Информацион портал, ОЭСР мамлакатлари маълумотлари.

– www.иопсweb.org Море информации абуут пенсионс-релатед ворк ис аваиалабле ат www.оесд.org/пенсионс.

– <http://www.напф.ру> Национальная Ассоциация негосударственный пенсионных фондов.

– <http://www.пфрф.ру> Пенсионный фонд Российской федерации.